


ДУРДОНА РАСУЛМУҲАМЕДОВА

Соҳибқирон Амир Темур —
истиклол даври ўзбек адабиётида




Тошкент
2002

ДУРДОНА РАСУЛМУҲАМЕДОВА

Соҳибқирон Амир Темур —
истиқлол даври ўзбек адабиётида

36303



«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик
компанияси қошидаги

“Ўзбек Ксерокс” ҚК
Тошкент

2002

Мазкур рисола мустақиллик муносабати билан тарихий си тикланган Соҳибқирон Амир Темур ва замонамиз мавзусига ланган.

Рисолада темурийлар даврининг асосчиси Амир Темур нинг истиқлол адабиётида қай даражада акс эттирилганлиги илиб, икки адиб Абдулла Орипов ва Одил Ёқубовнинг бир ва бир жанрдаги асарларини қиёсий ўрганиш орқали маҳорат лари, шунингдек истиқлол адабиётида яратилган асарлардаги Темур образи ва ҳуқуқий тарбия масалалари таҳлил қилинади. Унда Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тарихан ий акс эттириш орқали бу буюк шахснинг Туронзамин, Яқин га Шарқ ҳамда Оврупо халқлари тарихий тақдирида туган кўрсатилиб, шу пайтга қадар илмий, тарихий ва бадиий рда унга берилган нотўғри, носамимий баҳо ҳамда талқинларга қарши ўлароқ объектив баҳо берилади.

Ўитобча олий ўқув юрти талабалари ва кенг омма учун ланган.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор Л.П. Қаюмов,

филология фанлари номзоди, доцент Р.Х.Шарипов

Жаҳон цивилизацияси тарихида муносиб из қолдирган ўзбек халқи азал-азалдан ўзлигини билган халқ сифатида майдонга чиққанлиги барчага маълум ҳақиқатдир. Шу боис биз ҳозирги ўзбек миллатининг вакиллари узоқ ва яқин аждодларимиз тарихини, улар қолдирган бой маданий меросни чуқур билишимиз зарур. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”¹.

XX аср ўзбек адабиётида энг кўп ноҳақликларга дучор бўлган сиймо Амир Темур эди. Чунки Шўролар ҳокимияти йилларида Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни, хизматлари ва шахсияти инсофсизларча нотўғри баҳоланди. Ҳолбуки, Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида, балки машриқ ва мағриб тарихида ҳам ўчмас из қолдирган энг ардоқли, буюк шахс бўлган. Унинг муҳим тарихий хизматлари юртбошимиз томонидан жуда ўринли ва адолатли баҳоланди: “... Амир Темур жаҳон тарихига қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалар билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас... Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машшоқларга ғам-хўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. Темурийлар даври ҳақиқатдан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топиштини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди”².

Юқоридаги эътирофлардан келиб чиқилса, истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образининг бадий талқини, бадийлик ва тарихийлик нисбати каби илмий масаланинг ҳал этилиши жиҳатидан рисоламиз мавзуи долзарбдир.

Истиқлол даври ўзбек адабиётида Амир Темур образини яратишга бир қанча шоир, адиб ва драманавислар ўзларининг улушларини қўшди. Ҳар бироқ адабиётшуносларимиз томонидан бу улкан адабий материал ҳалигача чуқур таҳлил этилган эмас.

Бинобарин, истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммосининг тадқиқ этилиши ҳозирги адабиётшунослигимиздаги кемтик ўринлардан бирини тўлдиришга ва янги илмий йўналишларни юзага келтирилишига ёрдам беради.

¹ Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”, 1998. 5-бет.

² Ислоҳ Каримов. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Т. “Ўзбекистон”, 1996. 332-333-бетлар.

Темурийшунослар хронологиясида 1996 йил алоҳида ўрин и. Чунки айни шу йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб э қилинди ва буюк Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 660 иги жаҳон миқёсида нишонланди. Юбилей тантаналари ва илмий манлар мамлакатимиздан ташқари Франция, Туркия, стон, Германия ва бошқа хорижий мамлакатларда ҳам бўлиб . Бундай улкан тадбир ЮНЕСКОнинг ташаббуси ва адентимизнинг сайй-ҳаракатлари туфайли ўтказилди. Бу улкан нага тайёргарлик баҳонасида бир қанча илмий тадқиқотлар, атнинг барча соҳаларида Амир Темур сиймосини лантирувчи йирик асарлар, музей ва иншоотлар барпо этилди. шу мантиқдан келиб чиқилса, мазкур рисола ҳам ана шу мақсад йўлида қилинаётган ишларга қўшилган кичик бир ир.

§ 1. ЗАМОНАМИЗ ВА АМИР ТЕМУР

Серқирра фаолият соҳиби, жаҳон халқлари тарихида катта роль ўйнаган Амир Темури каби улкан сиймолар ҳақида турли-туман баҳо, талқину тавсифлар ва кўп ҳолларда бир-бирига зид қарашлару концепциялар вужудга келган. Бундай маълумотлар нафақат тарихий асарлар, балки, бадиий сўз санъатида ҳам мавжуд. Тарихи олти асрлик даврни қамраб оладиган умумжаҳон темурномасини батафсил ўрганиш адабиётшунослигимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Биз бу улкан хазинадан атиги бир парчани, яъни ўзбек темурномасининг истиқлол даври драматургиясидаги бадиий қамров даражасини иккита драматик асар таҳлили мисолида тадқиқ этишга жазм қилдик.

Булар Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг беш пардали “Соҳибқирон” ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси О.Ёқубовнинг икки парда, тўрт кўринишли “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири” драмаларидан иборат.

Бироқ рисола истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темурнинг тўлақонли бадиий образини яратиш муаммоларига бағишланганлиги учун унга қўшимча тарихий, бадиий, публицистик ва илмий манбаларни ҳам жалб этдик. Улар: “Темури тузуқлари”, “Амир Темури ҳикматлари”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома”лари, Б.Аҳмедовнинг “Амир Темури” романи, М.Қодировнинг “Темури ва темурийлар даврида томоша санъати”, Ф.Сулаймонованинг “Темурийлар даври санъати. Навоий ва Бехзод”, М.Ашрафийнинг “Темури ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси”, А.Ҳайитметовнинг “Темурийлар даври адабиёти”, Л.Кэрен ва А.Саидовларнинг “Темури ва Франция”, Е.Березиковнинг “Великий Темури”, Т.Джувльматовнинг “Юный Амир Темури”, Х.Давроннинг “Соҳибқирон набираси” Ж.Субҳоннинг “Безовта руҳ”, Н.Аҳмедовнинг “Амир Темури. Ривоят ва ҳикоятлар”, Т.Файзиевнинг “Темурийлар шажараси”, “Темури хонадони” кабилардан иборат.

Тарихда темурийлар даври деб аталмиш Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон халқлари ҳаётида иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан улкан аҳамият касб этган давр, унинг асосчиси ҳақида баркамол асарлар яратиш нафақат тарихчи-ю файласуфлар учун, балки адабиёт ва санъат вакиллари учун ҳам битмас-туганмас мавзу бўлиб қолмоқда. Агар асримизнинг 90-йилларига қадар бу буюк зот ҳақида ёзилган бадиий асарларга нигоҳ ташланса, аксарият ҳолларда Амир Темури образи фақат салбий жиҳатдан тасвирланганлигини кўриш мумкин. Фақат тарихимизнинг Ўрта асрларига оид нуқталарини яхши билган

ла Қодирий, А.Фитрат, С.Айний, Ойбек, М.Шайхзода, им, О.Ёқубов, П.Қодиров каби ижодкорларгина Амир Темур сини имкони борича, яъни ҳукмрон Шўролар мафкураси анича, ижобий жиҳатдан акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ўчмас из қолдирган Соҳибқирон Темур образисиз шу замин тарихи ҳақида бирорта мукамал ратиш мумкин эмас эди. Шу нуқтаи назардан жаҳонгир Амир сиймоси акс этган асарларни қуйидаги адабий тур ва жанрларга бўлиш мумкин:

1. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романлари мансуб.

2. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романида кўзга ташланади.

3. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романида Мўмин Мирзо нутқларида кўзга ташланади.

4. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романида Мўмин Мирзо нутқларида кўзга ташланади.

5. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романида Мўмин Мирзо нутқларида кўзга ташланади.

6. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романида Мўмин Мирзо нутқларида кўзга ташланади.

7. Ҳикоятнинг бадиий-фалсафий гоясида Соҳибқирон шахсининг умумл аҳамиятини таъкидлашга интилиш тамойили мавжуд бўлган лирик эпик жанрлар. Буларга А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг “Навоий” романида Мўмин Мирзо нутқларида кўзга ташланади.

гувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим”¹.

Аслини олганда, Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган “доҳий” сўзи А.Қодирийнинг Амир Темурга бўлган эҳтиромини англатувчи баҳо эди. Чунки адиб миллий мустақиллик қадрини нозик англаб етган ва унга эришиш учун Амир Темур каби довқур, доно инсонлар лозимлигини яхши билар эди. Аммо ана шу ифтихорли туйғуни у очиқ айта олмас ва фақат ўз қаҳрамонлари нутқи орқали ифодалашга мажбур эди.

20-йилларда атоқли ўзбек ижодкори Абурауф Фитрат тарихий драма жанрини ривожлантириш учун катта хизматлар қилди. Шу йиллари унинг “Темур сағанаси”, “Абулфайзхон”, “Арслон”, “Шайтоннинг тангрига исёни” каби драмалари босилди². Биз учун муҳими шундаки, “Темур сағанаси” драмасининг қаҳрамони Соҳибқирон руҳига мурожаат қилиб, ундан таскин ва тасалли излайди.

Асарда инсоният тарихида чуқур из қолдирган буюк бу зот образи орқали ўша йилларда келажаги мубҳам бўлиб қолган туркий халқлар қисмати ҳақида Амир Темур руҳининг безовталанганлиги ифодаланган. Демак, Фитратнинг “Темур сағанаси” драмаси Соҳибқирон образи орқали даврнинг долзарб муаммоларини ечиш, Ватан ва халқнинг келажагини тасаввур қилишга имкон берди.

30-йилларга келиб сиёсий қатағонлар бошланди, ўз тарихини, илгари ўтган буюк сиймоларни яхши билган, уларни қадрлаган энг пешқадам зиёлилар қатағон қилинди. Шу боис бу йилларда Амир Темур образи акс эттирилган асарлар деярли яратилмади. Фақат 30-йилларнинг охирларида бошланган иккинчи жаҳон урушигина ижодкорлар учун тарихий мавзуларга қўл уришга имкон берди.

Йирик ўзбек адиби Ойбек ижодида Амир Темур образи ўзига хос ўрин эгаллайди. Адиб “Навоий” романининг айрим ўринларида Темур салтанатининг улуғворлиги ва шуҳрати ҳақида нозик ишоралар бериб ўтади. Романнинг бир ўрнида эса у ўзининг Амир Темурга бўлган эҳтиромини яшира олмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, асирга олинган Мўмин Мирзони Музаффар Мирзо олдига олиб келганларида ҳар иккиси ўртасида бўлиб ўтган диалогда бу муносабат ифодаланган:

¹ Абдулла Қодирий. Рўмонлар. Ўткан кунлар. Т. Шарқ, 1995 й., 295-бет.

² Ғаниев И.М. Фитрат драмалари поэтикаси. ДДА. Т. 1998. 14-16-бетлар.

“- Бошқа йўл ҳам бор эди, - деди Музаффар Мирзо худди даклар билан ҳазиллашган бир тур билан, - агар сен қилич—сагингни бўйнингга осиб, қошимга ўзинг келсанг эди, у чоғ мендан рҳамат кўрар эдинг.

- Мен — улуғ Темурнинг набираси! — деди бола аччиғланиб.

- Қилич-садоқни бўйинга осиб, душманга тиз чўкмоқ, улуғ бомнинг руҳига зўр ҳақорат бўлур эди”¹.

Мўмин Мирзонинг Амир Темур ҳақидаги гурури ва ифтихори фақат асар қаҳрамонига тааллуқли, балки бевосита ижодкорга ҳам ишли эканлиги бизга маълум.

Ойбек ўз ижодидида Амир Темур образига қайта-қайта мурожаат ди. У 1941 йилнинг ёзида “Лашкарбоши” номли достонини ёзишга ишлади. Бу достонда ўзбек халқининг буюк лашкарбошиси Амир Темур образини яратиб, у орқали жангоҳларда қон тўкаётган ўзбек эгчиларига мадад бермоқчи бўлади, аммо бу ижодий ниятига эриша олмайди.

60-йилларнинг бошларидан Ойбек Амир Темур ва темурийлар ри ҳақида ёзилган тарихий-мемуар адабиётларни қайта ўрганишга ишлади. Ана шу жараёнда унинг қалбида Амир Темур, Алишер Навоий ва Бобур ҳақида достонлар ёзиш ғояси тугилади. Бу ниятни амалга ошириш борасида у анча-мунча ишлар ҳам қилади. 1968 йил мартда Ойбек “Гули ва Навоий” достонини ёзиб тугатади².

“Шарқ юлдузи” журналининг 1990 йил 10-сонидида Ойбекнинг “Мур” достонига чизгилари эълон қилинади. Бу чизгиларни нашрга эълонлаган Н.Каримовнинг таъкидлашича, адиб 1965 йилларда ушбу достонни ёза бошлаган, лекин тугатишга улгура олмаган, асарнинг битта бити ўн тўрт саҳифасигина ёзилган, холос. Бу нарсани шундан далил қилиш мумкин, ҳали Соҳибқирон Амир Темур номи ижобий жиҳатдан таъриҳи олиниши мумкин бўлмаган пайтларда ҳам, унинг ҳаёти ва образини акс эттирувчи асарлар яратиш иштиёқи кўпайиб кетган эди. Биргина Ойбекнинг мурожаат этилса, унинг ижодий режаларида Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, у яшаган давр ва темурийлар

1. эк. Мукамал асарлар тўплами. Олтинчи том. Т. Фан. 1976. 102-бет.

2. эк. МАТ. 4-том, Т. Фан. 1976. 67-97-бетлар.

шажараси ҳақида роман ёзиш истаги бўлиб, бу борада у жуда кўп материаллар жамлаган¹. Архив материаллари шундан далолат берадики, чала қолган дoston чизгиларида учта лирик-эпик сюжетга эътибор қаратилган. Биринчиси — бевосита Амир Темур фаолияти, иккинчиси — Улуғбек ва Халил Султон муносабатлари, учинчиси — Улуғбекнинг сўнгги сафари кабилардан иборат. Булардан ташқари, Ойбек Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятини ёритиш орзусида Самарқанддаги боғ-роғлар, улкан қурилишлар тасвирига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Ойбек ўз достонида Амир Темурни йирик лашкарбоши, буюк инсон, бутун дунё тақдирига таъсир кўрсата олган ҳукмдор сифатида тасвирлайди. Бироқ адиб Соҳибқироннинг ўлиmidан сўнг у барпо этган йирик марказлашган қудратли салтанат ҳам парчаланишини тасаввур қилмаган, чунки у буюк жаҳонгирнинг руҳи абадий қолишига тўла ишонар эди.

Шаҳси ва фаолиятининг холис ёритилиши нуқтаи назаридан Амир Темур Шўролар даври ўзбек адабиётида энг омадсиз қаҳрамон эди. Фарб адабиётида ўнлаб асарларга ижобий қаҳрамон бўлган Соҳибқирон ҳақида ўз она юртида тўғри сўз айтиш мумкин бўлмади. Бундай ҳолат ҳукмрон мафкура тазйиқи остида ҳаттоки М.Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожеасида ҳам кўзга ташланади. Жиддийроқ қаралса, ана шу йилларда Амир Темур ҳақида эмас, балки умуман темурийлар ҳақида ёзишнинг ўзи ҳам жасорат эди. 70-йилларга келиб ўзбек адабиётида темурийлар тарихини бадиий инкишоф этишда жонланиш юз берди. Бевосита шу даврда О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” каби романлари яратилди. Бу адиблар мамлакатда ҳукм сурган оғир сиёсий шароитга қарамай, Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатга жуда ҳам яқинлашдилар. Бу эса ўзбек бадиий темурномаси пойдеворига қўйилган салмоқли тошлардан бири деб ҳисобланишга лойиқ.

Амир Темур мавзуи, унинг образини яратиш бўйича лирика жанрларига назар ташланса, Соҳибқирон ҳақида бадиий-тарихий қарашлар аста-секинлик билан тараққий этганлигини кузатиш мумкин. Бундай ҳолат совет даври ўзбек адабиёти учун қонуний бир ҳол эди.

¹ Ойбек. МАТ. 13-том, Т. Фан. 1979. 367-374-бетлар.

денти И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракати ва ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан ўтказилган Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги тантаналари ҳам катта туртки бўлди. Амир Темур ҳайкалининг очилиши муносабати билан сўзлаган нутқида И.А.Каримов шундай деган эди: “Биз яшаб турган шу заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуг бобокалонимиз Амир Темур... ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртни мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовушгирди, мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди”¹.

Давлатимиз раҳбарининг Амир Темурга, умуман, миллий қадриятларимизга бўлган бундай оқилона муносабати ижодкорлар қалбида жўшиб ётган илҳом булоқларининг кўзини очиб юборди. А.Орипов, М.Жалил, Б.Аҳмедов, О.Бўриев, Муҳаммад Али, Тўра Мирзо, Е.Беризиков, О.Ёқубов сингари адибу шоирлар Соҳибқирон ҳаёти, унинг қудратли давлат қуриш йўлидаги тинимсиз курашларини акс эттирувчи асарлар яратдилар. Гарчи бу асарлар турлича бадиий савияда бўлса-да, бироқ улар узоқ йиллар адабиётимизда оқ доғ бўлиб келган бўшлиқларни тўлдиришлари баробарида ёш авлодни Ватанни қадрлашга, ўз халқини севиш ва ардоқлашга ўргатади.

Ана шундай асарлардан бири тарихшунос Б.Аҳмедовнинг “Амир Темур” роман-хроникасидир. Асар ўзининг жанр мансубияти нуқтаи назаридан тарихий манбаларга, маълумотларга бойлиги, тилининг содда ва халқчиллиги, илмий таҳлил билан бадиий таҳлилнинг теран уйғунлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Асарда тасвирланаётган ҳар бир воқеа аниқ тарихий манбага асосланади. Муаллиф Темурнинг жуда ҳам серқирра ҳаёти ва фаолиятдан бир йўналишни ажратиб олиб, бадиий характер яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, у Соҳибқироннинг бутун ҳаёти ва фаолиятини кенг қамраб олиб, ана шундай кенг миқёсда бадиий тадқиқ қилишга бел боғлаган.

Романда бадиий тўқима бўлмаса, биргина тарихий маълумотларнинг ўзидангина китобхонни ҳаяжонга соладиган, бош кўтармай ўқийдиган асар ёзиш жуда қийин. Лекин Б.Аҳмедов тарихий маълумотларни шундай қизиқарли бадиий воқеалар даражасига

¹ “Ўзбекистон овози” газетаси, 1993, 1 сентябрь.

риб тасвирлайдики, бунинг натижасида асардаги ана шуларнинг тарихий маълумотлиги китобхоннинг хаёлига ҳам майди.

Романнинг қимматли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда асарларнинг тасвири аниқлигидан ташқари юз берган саналари ҳам ҳисобга бериллади. Шу жиҳати билан асар Амир Темур ҳаёти билан ўқувчи кишилар учун ноёб манба, қимматли қомус вазифасини ўтайди.

Б.Аҳмедов ушбу романини яратишда Соҳибқирон шахси ва унинг даврига оид юзлаб араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги хабарлар, илмий-бадий асарларни ўрганган.

Романда Амир Темур ўз она юрти Туркистонни, ўз халқини юракдан севган ватанпарвар, эл-юрт манфаати учун жонфидо бўлган, дин ва иймонда собитқадам комил инсон сифатида тасвирланади.

Б.Аҳмедов Амир Темур образини яратар экан, унинг ҳаёт йўли, мақсад-интилишларини одилонга, энг асосийси, холисона тасвирлайди. Шу боис Амир Темур образи асарда буюк соҳибқирон, давлат арбоби, машҳур саркарда бўлиши баробарида оиласига эришган, фарзанд ва набираларига ғамхўр ва талабчан инсон сифатида гавдалантирилган.

“Амир Темур” романи қарийб ярим асрлик тарихий даврни ўз ичига олади. Шунинг учун академик И.Султон романини тасвирлаштирилган тарих” деб баҳолайди. Бунинг моҳияти шундаки, романдаги барча воқеалар, персонажлар, макон ва замон — аниқ тарихий асосга эга бўлиб, унда ижодкор томонидан киритилган тарихий ий тўқима учрамайди. Шунга қарамай роман ўқувчини ўзига қизиқтирилади. Бунинг сабаби шундаки, Амир Темур ҳаётининг тарихий бир лаҳзаси, у амалга оширган улғувор ишлар, жангу жадаллар ва шундай бадий хаёлотни ортда қолдирар даражада қизиқарлидир. Романда, романга ўқувчини жалб қилувчи нарсанинг ўзи асарга асос бўлган материалнинг — “хомашёнинг” қизиқарлилигидадир, десак, бу тасвир ишмаган бўламиз.

Роман “Улусдаги беқарорлик”, “Эл-юртнинг эмну омонлиги ва “Жаҳонгирлик қисмати” деб номланган уч қисмдан ташкил топган.

Муаллиф Амир Темур образини босқичма-босқич шакллантиради. Дастлаб унинг ёшлик йиллари, кейин йигитлик даври,

хулласки, то балоғатга етиш паллаларигача ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан, гирдобли кечувларидан олиб ўтади. Худди мана шу даврда бўлажак жаҳонгирнинг узоқни кўра билиш қобилияти шаклланади. У душман ичида юриб, ўзига тарафдорлар орттиради, уларда Туронзамин озодлигига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Амир Темур ўзи асос солган улкан давлатнинг ягона ҳокими бўлишига қарамай иймони бақувват муслим сифатида дин ва шариат пешволари билан ҳисоблашади; пирлари Саййид Барака, Шамсиддин Кулол, Зайниддин Абубакр Таябодийларнинг маслаҳатларига амал қилади. Шу тариқа романда Жаҳонгир Амир Темурнинг ҳаққоний образи яратилади.

Хуллас, Б.Аҳмедовнинг “Амир Темур” романи ҳаётий ҳақиқатни ўзида мужассам этган бадиий асар эканлиги билан истиқлол даври ўзбек темурномасига улкан улуш бўлиб қўшилди.

Истиқлол даври ўзбек бадиий насрида Амир Темур образини яратган адиблардан яна бири Муҳаммад Али бўлиб, унинг “Сарбадорлар” романи бунинг ёрқин далилидир.

Романда турли табақага мансуб тарихий шахслар образлари билан бир қаторда бадиий тўқима образлар ҳам иштирок этадилар. Адибнинг асосий мақсади сарбадорлар ҳаракатининг моҳиятини, бу ҳаракатга Амир Темурнинг муносабатини кўрсатиб беришдан иборат. Мана шу туфайли Муҳаммад Али ўзбек романнавислигида Амир Темур образининг бутун зиддиятли жиҳатлари билан акс эттиришга эришади.

Романда Амир Темур асосан адолат курашчиси, ватанини босқинчилардан озод қилишга бел боғлаган амир сифатида кўрсатилган. Ўрни билан адиб Амир Темур руҳиятини, характериға хос хислатларни намойиш этиш мақсадида халқ ўртасида кенг тарқалган ривоят ва ҳикоятларға ҳам мурожаат этади.

Романда ёзувчи Амир Темур билан боғлиқ икки нарсаға катта эътибор беради. Биринчиси - Амир Темурнинг сарбадорларға муносабатини ҳаққоний акс эттириш бўлса, иккинчиси – унинг Амир Ҳусайнға бўлган муносабатидан иборат.

Асар билан танишар эканмиз, унда Амир Темурнинг сарбадорларға бўлган муносабати жуда ҳам нозик очилганлигининг гувоҳи бўламиз. Тарихий маълумотларда қайд этилганидек, романда

Ам Амир Темур дастлаб сарбадорларга нисбатан яхши муносабатда ўлади. Аммо тож-тахтни эгаллаш масаласида Амир Темур ҳам, Амир усайн ҳам сарбадорларга рўйхушлик беришмайди. Чунки Ўрта асрларда Ўрта Осиёда юзага келган сиёсий бир вазиятда сарбадорларнинг Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўз қўлларида тутиб туришларига Амир Темур ишонмас эди.

Романда воқеалар ривожини Амир Темур ва Амир Ҳусайн орасидаги низоларнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолда кечди. Бу романида адибнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятдан яхши хабарлар сарбадорлигидан далолат беради. Агар Амир Ҳусайн сарбадорларнинг ҳукумдорларини шафқатсиз қирғин қилган бўлса, Амир Темур улардан қўрқинчиларини ўлимдан олиб қолади. Масалан, мадраса талабаси Абдуллонозодани Соҳибқирон сақлаб қолади. Адиб бу билан Амир Темурга хос узоқни кўра билиш, ўз душманларига, юрт қўрқинчиларига қарши курашда сарбадорлардан ҳам фойдаланган ҳарбий корлик маҳоратини кўрсата олади.

Хуллас, Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романи Амир Темурнинг жўшқин йигитлик йилларини, 1360-1366 йилларда Қонраминда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни бадиий шаклдан акс эттириши билан қимматлидир. Шу билан бирга ушбу романи ўзбек темурномаси тарихида олға ташланган бир қадамдир.

Таниқли шоир Маъруф Жалилнинг “Соҳибқирон” драматик романида ҳам Соҳибқирон Амир Темур фаолияти ҳаққоний акс эттирилган. Шоир Амир Темурнинг йигитлик йилларини қаламга оlingан экан, Соҳибқироннинг юрт озодлиги, марказлашган давлат қуриши ва шу орқали феодал урушларга чек қўйиш, турли мамлакатлар орасида иқтисодий, маданий алоқаларни кучайтириш борасидаги иш-ҳаракатларини мароқли тасвирлайди.

Драматик қиссада бош қаҳрамон Амир Темурнинг жаҳонгир сифатида тарих сахнасига чиқарган сабаблар бадиий йўсинда асосли қилинган. Асарда Амир Темурнинг тож-тахтга интилишидан бошланган бош мақсад мамлакатни мўғул босқинчиларидан қўриқтириш, кичик-кичик беклик ва амирликларни бирлаштириш мақсади йирик марказлашган қудратли давлат барпо этиш эканлиги акс эттирилган. Албатта, ушбу драматик қиссада Соҳибқироннинг фақат бир даври, аниқроғи, 1363-1370 йиллардаги фаолияти қамраб олинган.

Асардаги образлар тизими ранг-баранг: унда оддий халқ вакиллари, лашкарбошилар, дин аҳллари, олиму шоирлар, мўғул лашкарлари иштирок этади. Аммо образлар тизимининг марказида Амир Темур туради. Бу силсилада Соҳибқирон образи белгиловчи роль ўйнайди, чунки барча образлар Амир Темур фаолиятининг ранг-баранг қирраларини ёритишга хизмат қиладилар.

Маъруф Жалил Амир Темур образининг нозик қирраларини очишга эришган. Асарда Соҳибқирон диний эътиқоди мустаҳкам, адолатли, қаттиққўл, мард ва шижоатли саркарда, узоқни кўра оладиган қув, тадбиркор ҳукмдор сифатида гавдалантирилган. Қиссада Амир Темурнинг мунофиқ, фирибгар, хиёнаткор шахсларга нисбатан шафқатсиз, қаттиққўл, садоқатли дўстларни қадрлаш ва қўллаб-қуватлаш каби олижаноб хислатларига алоҳида урғу берилган. Бундай хислатлар Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги мураккаб муносабатларда ёрқин очилган десак, тўғрироқ бўлади. Чунки бу икки образ асосида ётган тарихий прототиплар тарихан бир-бирига зид характердаги шахслардан иборат. Бундай зиддият эса образлар моҳиятини ташкил этади. Агар Амир Ҳусайннинг тахтга ўтиришидан мақсади шон-шухрат, бойлик ва айш-ишратга эришиш бўлса, Амир Темурнинг мақсади эса Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон халқини мўғуллар истибдодидан озод этиш, мамлакатнинг сиёсий ва маданий ривожига эришишдан иборат эди.

Хулоса қилиб айтганда, М.Жалилнинг “Соҳибқирон” драматик қиссаси Амир Темурнинг кўпқиррали ҳаёти ва фаолиятини акс эттириш жиҳатидан истиқлол даври ўзбек темурномасида ўзига хос мустақил айтилган бадиий бир сўзидир.

Истиқлол даври ўзбек бадиий темурномаси ривожига драматик жанрларда битилган асарлар алоҳида ўрин тутади. Бевосита мана шу даврда ўзбек драматургиясида А.Ориповнинг “Соҳибқирон” шеърый драмаси, О.Ёқубовнинг “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири”, Т.Мирзонинг “Амир Темур” драмалари яратилди.

§ 2. ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ

90-йиллар собиқ совет империясининг парчаланиши ва унинг ркибидаги кўплаб халқларнинг эркин тараққиёт йўлига чиқишлари, иқисса ўзбек халқининг мустақилликка эришиши билан башарият рихида ўчмас из қолдирган бир давр бўлиб қолди. Асрлар мобайнида талмас орзу бўлиб келган мана шу истиқлолни мустақкамлаш, ўхон халқлари томонидан тан олинган Ўзбекистон давлатининг лқаро обрўсини кўтариш учун халқимиз ўз тарихининг барча врларини, аждодларимиз руҳини, йирик тарихий шахслар ймосини, бошидан кечирган улкан тарихий воқеалар моҳиятини қур ёритадиган, уларнинг аҳамиятини ҳаққоний тарғиб ва ташвиқ диган илмий, бадиий ва публицистик асарлар яратиш ҳар бир одкорнинг биринчи даражали вазифасидир.

Диққат қилинса, Туронзамин улкан воқеалар ва беназир ихий шахсларга бой бахтли сиёсий-жуғрофий бир ҳудудки, бу линда истиқомат қилган Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон ир Темур, Муҳаммад Тарағай—Улуғбек, Бобур каби йирик смдорлар; Ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, мад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Наср Форобий, эуний, Ибн Сино, Алишер Навоий сингари улкан фан ва адабиёт ояндалари кишилиқ маданияти ривожига шу қадар катта улуш цдиларки, бу улушни эндиликда, бир томондан, илмий асосларда, инчи томондан, бадиий сўз ва образлар воситасида намоиш ш бизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қаралса, Шарқ уйғониш даври илм ва ғаниятнинг бешиги бўлмиш Мовароуннаҳр ва Хуросон заминида нинг ҳукмдорлик, саркардалиқ, энг муҳими, беқиёс анпарварлик фаолияти билан башарият тарихида ёрқин из дирган Амир Темур Кўрагоннинг ҳаёти ва фаолияти алоҳида қат-эътиборни, улкан ҳурмат ва эъзозни талаб этувчи мавзудир.

Амир Темур ва темурийлар даври илм-фани, маданияти ва бати Шарқ ренессансини таъминлаган шонли давр бўлиб қолди. ихнинг ғалати сабоқларини қарангки, бу буюк зотнинг исми ифлари мустабид Шўролар ҳукмронлиги даврида “бос-чи”, “қонхўр”, “золим ва тажовузкор” каби салбий там-

ғалар билан қораланиб келинди. Ҳолбуки, бевосита ана шу даврда дунёда ягона қудратли давлатни амалда тузган бу улуг зотнинг номини тарих саҳифасидан бутунлай ўчириб ташлаш, келажакда унинг муборак исмларини авлодлар фақат таҳқиру лаънатлар билан эсга олишларини таъминлаш учун қанча ҳаракат қилинган бўлмасин, Оллоҳнинг инояти билан эсган мустақиллик шабадаси барча ноҳақликларни йўққа чиқарди, боши билан ерга қўйилган тарихни ўз оёғига қўйди. Республика Президенти И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракати дастлаб ўз руҳи, мақсади ва самимияти билан олиму шоирларни, адибу санъаткорларни бироз шошириб қўйди. Чунки ҳеч бир шахс, у ҳоҳ олим бўлсин, ҳоҳ бадий ижод кишиси бўлсин, бундай адолатли, миллионлаб кишилар қалбида яшириниб ётган бундай даъватни — олижанобликни кутмаган эди. Олимлар дарҳол Соҳибқироннинг асарларини чоп эттириш баробарида у ҳақда ранг-баранг китоблар, рисола ва мақолалар эълон қила бошладилар. Адабиётда эса бу улкан сиймонинг бадий образини яратиш бироз қийин кечди. Чунки Амир Темурдек улкан ҳукмдорнинг ҳаққоний ва тўлақонли образини бадий гавдалантириш учун ҳар қандай ижодкор журъат эта олмас эди. Чунки Соҳибқирон яшаган давр, тарихий шароит, унинг бетакрор саркарда, улкан ҳукмдор, дину адолат ҳомийси сифатидаги барча қирраларини тўла илғаб ва қамраб олишга ҳамма ижодкорлар ҳам кафолат бера олмас эдилар. Тўғри, ҳаминша ҳозиржавоб лирика, бадий публицистика ва кичик эпик жанрларда Амир Темур ҳақида бир қатор асарлар яратилди. Бироқ бу нарса Соҳибқироннинг давлат арбоби сифатида дунё халқлари тарихида, илм-фан, маданият ва санъат ривожидида тутган ўрни ва ролини тўлақонли ёритишга ожиз эди. Шунга қарамай, тез орада Амир Темур сиймосини ўзбек адабиётининг икки йирик вакили А.Орипов ҳамда О.Ёқубовлар драма жанрида бадий инкишоф этдилар.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини тарихан ҳаққоний акс эттириш орқали бу буюк шахснинг Туронзамин, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Овруро халқлари тарихий тақдирида тутган ўрнини кўрсатиш, шу пайтга қадар илмий, тарихий ва бадий асарларда унга берилган нотўғри, носамимий баҳо ҳамда талқинларга қарама-қарши ўлароқ объектив бадий баҳо бериш муаммоси ҳар бир ижодкор олдида турар эди. Ушбу муаммо А.Ориповни ҳам, Одил Ёқубовни ҳам қисқа муддат ичида Соҳибқирон тарихига оид жуда кўплаб материалларни пухта ўрганишга мажбур этди. Чунки ҳар икки ижодкор ҳам ўз асарларини Амир Темур таваллудининг 660 йилликтананаларига туҳфа қилишни мақсад қилиб олган эдилар.

Энди савол туғилади: А.Орипов улкан истеъдодли шоир бўлса, О.Ёқубов эса беназир носир бўлса, нега улар Амир Темур ҳақида дoston, лирик қисса, повесть ёки роман ёзишмай драма жанрига мурожаат этдилар? Савол жуда ўринли ва табиий. Бизнингча, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақидаги тарихий, илмий ва бадиий маълумотларни синчиклаб ўрганиш, муайян бадиий-концептуал тўхтама келиш, соф лиро-эпик ёхуд эпик планда йирик тарихий ва бадиий ҳақиқатни тўла уйғунликда мумлаштирувчи асар яратиш узоқ муддатни қамраб олувчи ижодий тарафни талаб этар эди. Драма эса ўзининг қатор хусусиятлари билан ушун ҳаёти драматизмга тўла Амир Темурдек жаҳонгир шахснинг бир нечта пайтларини саҳнада жонлантириш орқали унинг энг ҳалқлари тақдирида туганган ўрни ва родини нисбатан тўлароқ эстетикага қодир жанр эканлигини ҳар икки адиб ҳам нозик кўрсатдилар. Дарҳақиқат, улар мавзу танлаш, шу мавзу орқали ўзларини изчил ифодалаш ва бунда асарнинг жанр мансубиятини намояндалашда янглишмаган эдилар. Чунки ижодкор маҳоратининг энг юксик ва белгиловчи қирраси ўзи бадиий акс эттирмоқчи бўлган ҳаётнинг воқеликка мақбул жанрий имконият орқали нигоҳ ташлай олишида намоён бўлади. Атоқли француз адиби Оноре де Бальзак ҳам бундан бири билан айтганда, ҳар қандай тарих яхши баён этилгандагина экинчи қизиктиради, ҳар қандай сюжет ўзига хос махсус шакл талаб қилади¹. Бу — бадиий ижоднинг темир қонунияти. Кўпгина ижодкорлар асарлари қаламга олмоқчи бўлган ҳаётнинг материал руҳи, мазмуни ва шаклига мос шакл — жанр танлай олмаганликлари туфайли аффақиятсизликка учрайдилар. Мана шу жиҳатдан қаралса, О.Ёқубов ҳам, А.Орипов ҳам Соҳибқирон Амир Темур ҳақида бадиий асар яратиш учун драма жанрига мурожаат этишиб тўғри йўл тутишган.

¹ О. де Бальзак. Собр. Соч. в 24 томах. Т. 23. М. Правда. 1960. 163-164-стр..

§ 3. АБДУЛЛА ОРИПОВ НАЗМИДА СОҲИБҚИРОН ОБРАЗИ

А.Ориповнинг “Соҳибқирон” драмасига ёндашилса, унда Амир Темурнинг XIV аср охири ва XV аср бошларидаги тарихий-сиёсий жараёнларда тутган ўрни, салоҳияти, тарих гилдирагининг ҳаракатини ҳам йўналиш, ҳам ҳаракат мароми жиҳатидан даража ва миқёсини белгилаб берувчи ҳукмдор, ўз фарзандлари ва набираларига нисбатан меҳрибон, талабчан, ўрни келганда қаттиққўл ота ва бобо; ғамхўр ва садоқатли ёр; инсон қалбининг қоронғу гўшаларини тез ва нозик илғаб оладиган руҳшунос дипломат; душманларнинг макр-ҳийлаларини олдиндан сезиб, уларга зид тадбирларни ишлаб чиқишга қодир саркарда сифатидаги тарихий-бадий қиёфасини тўғри акс эттира олган, деб бемалол айтиш мумкин.

Амир Темурдек жаҳон тарихида бетакрор мавқе эгаллаган улкан тарихий шахснинг бадий образини бу қадар тўлиқ ва мукамал яратишда, бир томондан, асарга жалб этилган тарихий материалнинг салмоғи, иккинчи томондан, у ҳақидаги ривоят, нақл ва оғзаки ҳикоятларнинг асарга сингдирилиши, муқобил жанрий мансубиятнинг тўғри танлаб олинишидадир. Агар драма жанрининг табиатига назар ташланса, юқорида айтилган фикрларнинг ҳам назарий, ҳам бадий-амалий жиҳатдан тўғрилигига тўла қаноат ҳосил қилиш мумкин.

Умуман, адабиётга, хусусан, драмага хос энг муҳим хусусият шундан иборатки, инсон ҳаётидаги энг қалтис, энг шиддатли, ларзага солувчи ва фожеали вазиятларда ҳаётнинг моҳияти, темир қонуниятлари, энг муҳими, инсоннинг барча фазилату иллатлари алоҳида бир ёрқинлик билан ўзини намоён этади. Демак, драма жанри учун энг муҳим хусусият ҳаёт оқимининг энг шиддатли, энг нишаб жойларини тасвирлаш орқали ижодкор ўзи ва бошқалар учун зарур сабоқлар чиқарадиган воқеаларни танлаб тасвирлаш ҳисобланади.

Шарқ уйғониш даврининг тамал тошини қўйган Амир Темур ва temuрийлар даври деб аталмиш улкан, аммо мураккаб ва серқирра тарихий давр тасвирида А.Ориповнинг энг муҳим ижодий ютуғи шундаки, у беш пардали драмасида ушбу улкан тарихий шахс ҳаётининг беш кўринишини, ҳукмдор ва саркарда, оддий инсон ва вафодор ёр, ғамхўр ва қаттиққўл ота, беқиёс маданият ҳомийси ва ўтқир дипломат сифатидаги ҳислатларини ёрқин ёритиб бера олган. Шу жиҳатдан “Соҳибқирон” композицияси алоҳида аҳамият касб

гади. Қуйида асарнинг композициясини қисқача кўзатамиз.

Биринчи саҳна Самарқанддаги Амир Темур саройидан, Соҳибқироннинг соч олдириши, унинг сартарош билан мулоқоти, Амир Ҳусайннинг банди ҳолда олиб кирилиши, Улжой Туркон ва Амир Ҳусайннинг ўлими билан бошланади. Лекин шу саҳнанинг ўзида А.Орипов Амир Темурнинг ҳукмдорлик салоҳиятини сартарош билан илган рамзий маънодаги мулоқотида очиб беришга эришади. Унинг ахтга чиқиш учун қилган ҳаракатлари, амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн билан муносабатлари, Амир Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оғога уйланиши, Амир Ҳусайн ва ўзининг сарбадорлар аракатига нисбатан муносабатлари билан бир қаторда уларнинг амир Сайхисрав Хутгалонийга бўлган сиёсатлари тарихи иштирок этувчилар ўтқи орқали баён этилади. Демак, эпик ёки лиро-эпик жанрларда Амир Темурнинг тахтга чиқиш тарихи ҳақида маълумот берувчи ҳоқоридаги мулоқот мазмунини баён этиш катта ҳажмни талаб этарди, шунда мазкур тарих ва унда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги муносабатлар драмадагидек ёрқин, ишонарли ва қамровли чиқиши имконсиз нарсадир. Аммо драмадаги энг асосий имконият саҳна иштирокчиларининг нутқларида Соҳибқироннинг ўсмирлик йиллари, тож-ахт учун олиб борган курашлари, унинг хайрхоҳлари ва рақиблари муносабатини мухтасар баён қилишнинг мумкинлигидадир. Албатта, бу имконият ижодкор томонидан ўринли истифода этилиши ва тарихий воқелик йўналишига хилоф келмаслиги лозим. А.Орипов драма жанридаги мана шу имкониятдан жуда ўринли фойдалана олган.

Иккинчи саҳна — Соҳибқироннинг ўз саройида вазирлар ва малдорлар, саркардалар ва фарзандлари билан машварат ўтказиши асвирига бағишланган. У буюк лашкарбоши сифатида ўз фарзандлари ва набираларини ҳарб илмидаги тактика ва стратегия масалаларидан намуна қилади, давлатни бошқариш ва халққа ғамхўрлик қилиш, тўғри марказлашган давлат учун кураш олиб бориш, мамлакатни обод ва мустақамлашда адолатни асосий мезон қилиб олиш лозимлиги ҳақида ўғитлар беради. Ушбу саҳнанинг бундай кўриниш билан бошланиши ижодкорга Амир Темур шахсияти ва унинг жаҳонгир сифатида эришган муваффақиятларининг сабабларини очишга имкон берган. Аммо саҳна муайян даражада драматизмдан ҳоли бўлмаслиги аниқ арур. Саҳнадаги ана шу драматизмни таъминлаш мақсадида унга

икки хорижий элчи образлари киритилган. Бу орқали драмада Амир Темурнинг йирик ҳукмдор сифатидаги салоҳияти, айна пайтда, беназир ва талабчан дипломат эканлиги ҳам намоиш этилади. Чунки Сарандиб элчиси Борчиқ ўз исмининг маъносини билмаганлиги учун Соҳибқирон томонидан қабул қилинмайди. Иккинчи элчи эса Румо мамлакатининг султони Йилдирим Боязиддан келган эди. Элчи Амир Темурга Боязиднинг саркашлигини намоиш этувчи мактубни топширади. Мактубни ўқиб Боязиднинг худбинлиги ва хиёнаткорлигидан газабланган, таассуфга тушган Амир Темурнинг руҳий кечинмалари, ул мамлакат ичидаги тож-тахт учун олиб борилаётган курашларга барҳам бериб, ягона давлат қуриш йўлидаги жанг-жадалларининг сабаблари баён этилади. Элчи келтирган хатдан таъсирланган Амир Темур Румо мамлакатига ҳарбий юришга фармон беради. Ушбу тарихий юришга бел боғлар экан, Соҳибқироннинг тажрибали ҳукмдор, меҳрибон ва қаттиққўл ота, вафодор ёр сифатидаги хислатларини драматург жуда нозик, жуда таъсирчан лавҳаларда намоиш этишга муяссар бўлади. Аввало шуни таъкидлаш керакки, икки мусулмон давлати ўртасидаги низоларнинг чиқишига Фарб давлатларининг маккорона аралашувлари сабаб бўлаётган эди. Буни чуқур англаб етган Амир Темур Боязид каби калтабин ҳукмдорларга оқилона насиҳатлар қилади, йўл-йўриқлар таклиф этади. Аммо Боязид унинг барча таклифларини кескин рад этади.

Соҳибқирон Боязиднинг таъзирини бериб қўйиш ва кўзини очиш учун сафарга отланар экан, Фарбдаги мухолифларининг ҳолаҳволидан, хатти-ҳаракатларидан доим хабардор бўлиб туришни, уларнинг ҳар бир қадамига яраша тадбирлар кўриб қўйишни унутмайди. Соҳибқирон фаолиятидаги бу қиррани намоиш этиш эҳтиёжи драмага Буқаламун исмли махфий жосус образининг киритилишига сабаб бўлади. Албатта, ушбу образ соф бадиий тўқима маҳсули, аммо Амир Темурдек йирик давлат раҳбарининг хизматида бундай хуфия жосусларнинг бўлганликлари, давлат ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашда улар турли-туман давлатларда тинимсиз иш олиб борганликлари шубҳасиз. Шу боис драмадаги Буқаламун образи томошабинда ишончсизлик ва ажабланиш ҳисларини туғдирмайди.

Мазкур саҳнадаги энг қизиқарли ўринлардан яна бири Амир Темурнинг Бибихонимга бўлган меҳр - муҳаббати, улкан

ишончининг намоиш этилишидир. Ўзи узоқ ва хатарли юришга қозирланар экан, Соҳибқирон пойтахт - Самарқандни обод этиш, Мовароуннаҳр ва Хуросон сарҳадларидаги тинчлик ва осойишталик устидан назорат ўрнатишни Бибихоним зиммасига юклайди. Бу билан драматург Амир Темурдек йирик давлат бошлигининг ўз оиласи (аврасида ақлли ва тадбиркор рафиқасига бўлган ишончи ҳамда тарҳаматини ёрқин кўрсатишга эришган.

Иккинчи саҳнадаги муваффақиятли чиққан ўринлардан яна бири майхўрлик ва айш-ишратга берилган фарзанди Мироншоҳга бўлган ғамхўрлиги ва қаттиққўллигининг кўрсатилишидир. Ўстеъдодли саркарда, мард ва жасур инсон бўлиб этишган Мироншоҳга нисбатан Соҳибқирон ўрни келганда қаттиққўллик ҳам билган. Ушбу саҳна ниҳоясида эса ичкиликка ружў қўйиб, хотини Ўнзодабегимга қўл кўтарган ўғли Мироншоҳни Амир Темур қирқ ун муддатга зиндонга ташлаб жазолайди. Бу воқеа тарихан аққонийлиги билан киши диққатини ўзига жалб этади ва Соҳибқироннинг давлатни бошқариш ишларида ҳушёр, ҳалол ўлишга катта эътибор берганлигидан далолат беради.

Учинчи саҳна - Амир Темурнинг Ангора яқинидаги ўз чодирда янги мулозимлари билан кенгашиб, Боязидга қарши жанг бошлашга амр этиши билан бошланади. Бу жанг 1402 йилда бўлиб ўтган ва унда Соҳибқирон Султон Боязид устидан ғалаба қозониб, уни банди қилиб олган эди.

Драматург Амир Темурнинг моҳир саркарда эканлигини намоиш этиш мақсадида рамзий тасвирга мурожаат этади. Масалан, қўшинларини жангга ташлар экан, ўзи чодирда моҳир шатранжбоз Аловиддин билан шахмат ўйнайди. Бу билан А.Орипов Амир Темурнинг ҳарбий усуллари қай даражада ўзини оқлашини шахмат тасвирасида қўллаган усуллари орқали синаб кўришга жазм этганлигини намоиш этади.

Драмадаги бундай рамзий тасвир, бир томондан, Соҳибқироннинг душманлари нигоҳида ўзини хотиржам тутганлигини намоиш этса, иккинчи томондан, унинг ғалабага бўлган ишончи билан эканлигини кўрсатади. Мана шу орқали томошабинда Соҳибқироннинг моҳир лашкарбошилиқ салоҳиятига бўлган ишончини орттиради. Реал тарихда юз берган Амир Темурнинг ғалабаси ва асарда шахмат тахтасида Аловиддин устидан қозонилган ғалабанинг уйғунлиги томошабин онгида Соҳибқироннинг фотиҳ-

лик қисмати муқаррар бўлганлигини таъкидлашга хизмат қилган.

Мазкур саҳна Йилдирим Боязиднинг вафот этиши ва Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Султоннинг хасталиги оғирлашганлиги ҳақидаги хабар келиши билан яқунланади.

Тўртинчи саҳна — Бибихонимнинг ўзи қурдирган жомеъ масжиди олдидаги майдонда Девонбеги, шаҳар доруғаси ва бошқа аъёнлар билан Амир Темурни кутиб олиш тараддуди билан машғуллигини кўрсатиш билан бошланади. Мазкур саҳнадаги мароқли ўринлардан бири Бибихонимнинг эл-юрт ҳолидан хабардор бўлиш учун тунлари шаҳар айланиши, уч муллаваччанинг истаklarини эшитиб, уларга мурувват кўрсатиши ҳисобланади. Бибихоним халққа ортиқча солиқ солгани учун Хожа Юсуфга танбеҳ беради, Соҳибқиронни катта тантана билан кутиб олишни ташкил этади. Амир Темур порахўр доруғани ва ноинсофлик қилганликлари учун бир неча қассобларни эл-юртнинг кўзи олдида қатл эттиради. Вазир Муҳаммад Довудни эса Самарқанддан қувғин қилади.

Ушбу саҳнадаги ўзига хос кўринишларидан бири Амир Темурнинг набиралари Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, Ижил Мирзо, Сайди Аҳмад Мирзо, жияни Бойқаро Мирзо, набиралари Зубайдаларнинг тўйига оқ фотиҳа бериши ҳисобланади. Бу нарса Соҳибқироннинг ўз оиласи доирасида ниҳоятда катта обрў-эътиборга эга эканлигини ва бунда Бибихонимнинг роли беададлигини кўрсатади.

Мана шундан сўнг Амир Темурни ғалаба билан қутлаб она юрти Кешдан меҳмонлар келади. Соҳибқирон уларни катта иззат-ҳурмат билан кутиб олади. Сўнг Сарандиб элчиси Борчиқни, Испания элчиси Клавихони, андижонлик вакилларни, рус элчисини, хитой элчиларини кутиб олади, уларга жуда ўктамлик кўрсатади. Сўнгра набираларининг тўйларини Конигулда ўтказишга амр қилиб, махфий жосуси Буқаламунни Хитойга юбориши воқеалари билан саҳна яқунланади.

Мазкур саҳнадаги соҳибқироннинг халққа жабр-зулм қилган амалдорларни жазолаши ижодкорнинг бадиий хаёлотини маҳсули бўлса ҳам, бироқ унинг Конигулга 1404 йил 7 сентябрда келиб тушгани ва набираларини уйлантириши тарихий манбаларда ҳам қайд этилади. Жумладан, “Зафарнома”да қуйидагиларни ўқиймиз: “Соҳибқироннинг муборак хотирида кечтиким, амирзода Улуғбек ва амирзода Иброҳим Султон ва амирзода Ижил ибн шаҳзода Мироншоҳ ва шаҳзода Умаршайх фарзандларидин амирзода Аҳмад ва Сайди Аҳмад ва Бойқаро ҳар бирига бир қиз бергайлар.

қаррар бўлгондин сўнг садоту қазот ва уламо жамъ бўлиб, Шайх мусуддин Муҳаммад Жазарий хутба ўқуб, никоҳ қилди”¹.

Шундай маълумотни иккинчи бор тарихчи Низомиддин мийнинг “Зафарнома”сида ҳам учратамиз. Бироқ бу манбада тўй ифи кенг баён этилган бўлса ҳам, унда Шарафуддин Али Йаздий фарнома”сидагидек тўй сабаблари бирма-бир кўрсатилмайди. омиддин Шомийда қуйидагиларни ўқиймиз: “Олий ўрду ва катта қ нусратшиор байроқлар ортидан дорулсалтана Самарқандга етиб ач, ҳазрат Соҳибқирон шундай бир буюк юришдан фарзанлари амирлари билан соғ-саломат пойтахтга келиб қўнганлиги осабати билан катта тўй бериб ...”²

Юқоридаги иқтибослардан маълум бўладики, Шарафуддин Али тийнинг “Зафарнома”си тарихий маълумотларнинг батафсиллиги ан алоҳида ажралиб туради ва А.Орипов ўз драмасида ана шу ррук манбага кўпроқ суянган.

Бешинчи саҳна – Соҳибқироннинг Аҳмад Яссавий мақба- ни тоғга қадар зиёрат қилиши, саҳар пайти унинг ҳорғин ада чиқиб келиши, дарвеш қиёфасидаги Хизр, сўнгра Аҳмад ивий билан учрашиши, улар ўртасида мунозара-мулоқот бўлиб и билан бошланади. Аҳмад Яссавий Амир Темурни тож-тахт шишдан, хатарли Чин сафаридан қайтаришга ҳаракат қилади. о Соҳибқирон ўз мақсадидан қайтмайди ва Яссавийдан зафар йди. Яссавий уни алқаб ғойиб бўлади.

Амир Темур вужудидаги оғриқни енгиб, ўз ўтмишини хаёли- ўтказиб, неча-неча оғир вазиятлардан, ўлим таъқибидан омон қанлигини ўйлаб, Чин сафари ўзининг охирги сафари эмасмикан н гумонлар билан тепаликда қурилган чодирга қўтарила бошлар т, беихтиёр салтанатнинг ўзидан кейинги ҳолати, ўз ўрнига сак валиаҳди Мирзо Пирмуҳаммадни эслайди.

Қаттиқ совуқдан лашкарнинг кайфияти тушкунлиги - даги амиру саркардаларнинг гап-сўзларини эшитган Соҳиб- он яланг тепаликда сочини олдиради. Бу билан у ўз лашкарига а бермоқчи бўлади.

рафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т. Шарқ нашриёт матбаа концерни, 1997. 91-бетлар.

омиддин Шомий. Зафарнома. Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1996. 392-395-бетлар.

Шундан сўнг Амир Темур Бибихоним, Мирзо Улугбек ва Мирзо Пирмуҳаммадни чорлайди. Соҳибқирон уларга насихатлар қилиб, тахт ворислигини Мирзо Пирмуҳаммадга васият қилиб, ўз тузукотини унга топширади. Барча амиру саркардаларга фотиҳа қилдириб, ўз чодирига абадий кириб кетади.

Беш саҳнанинг қисқача мазмунидан маълум бўладики, А.Орипов драма жанри талабларига риоя қилган ҳолда Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг беш қисмини ўз асари учун асос қилиб олади. Бироқ драматург мана шу беш қисм - беш лавҳа ичига буюк Темурнинг бутун ҳаётини, ҳаётининг моҳиятини жойлай олган. Бунда у ўрни билан аниқ тарихий материалларга, ўрни билан халқ ривоятлари, оғзаки ҳикояларга, тазкира ва бадиий асарларга муурожаат этади. Бироқ барча ҳолатларда муаллиф тарихий тамойилларга, тарихий драма жанри талабларига тўла риоя қилади.

§ 4. ТАРИХИЙ ВА ТАЪСИРЧАН ТЎҚИМА ОБРАЗЛАР

Драмадаги тарихий қаҳрамонлар Амир Темур, Йилдирим Боязид, Бибиҳоним, Улжой Туркон оғо, Амир Ҳусайн, Мир Сайид Барака, Барлос Баҳодир, Кайхисрав, Ибн Арабшоҳ, Мироншоҳ Мирзо, Муҳаммад Қовчин, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Мирзо Пирмуҳаммад кабилардан иборат. Улар билан бир қаторда Соҳибқирон саройида хизмат қилган, лекин тарихан аниқ исмлари маълум бўлмаган бадиий тўқима образлар Девонбеги, Борчиқ, элчилар, Буқаламун, сартарош, амирлар, эшиқбон, ясовул, чопарлар ҳам драманинг ҳаққоний чиқишини таъминлашга хизмат қилганлар. Демак, драмадаги соф тарихий образлар билан бирга бадиий тўқима характеридаги образлар асар сюжетининг етакчи ҳаракатлантирувчи кучлари вазифасини ўтаганлар.

Драма сюжетига тарихий асослик вазифасини ўтаган воқеалар Соҳибқироннинг Ангорага Султон Боязид устига юриши, унинг асир олиниши ва вафоти, Амирзода Муҳаммад Султоннинг қазо қилиши, Темурнинг Самарқандга голиб бўлиб қайтиши, набиралари тўйини нишонлаши, Чин сафарига отланиши ва йўлда вафот этиши кабилардан иборат.

Драмадаги ҳақиқий тарихий воқеалардан ташқари бадиий тўқима характеридаги воқеалар ҳам асар сюжетининг жонлилигини таъминлашга хизмат қилган. Булар: биринчи ва иккинчи саҳнадаги сарой ҳаёти, Ангорани забт этиш жангида Амир Темурнинг Аловиддин билан шахмат ўйнаши, Ҳофиз Шерозий билан мулоқоти, Яссавий мақбарасини тонгга қадар зиёрат этиши, Хизр, Яссавий билан учрашуви, тепаликдаги чодир олдида Бибиҳоним, Мирзо Пирмуҳаммад билан учрашув, ялангликда соч олдириш кабилардан иборат.

Тарихий воқеаларнинг бу қадар аниқ ва ишонарли чиқишига А.Орипов тарихий манбаларни жиддий ўрганиш орқали эришган. Бизнингча, драматург учун энг кўп материал берган манба Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур” тарихий романи бўлди. Чунки А.Орипов ўз асари устида иш олиб борган пайтларда Шарафуддин Али Йаздий “Зафарнома”сининг XVI асрда Муҳаммад Али томонидан қилинган таржимаси, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си ҳали чоп этилмаган эди.

“Соҳибқирон” драмасининг Али Йаздий “Зафарнома”сига уйғунлиги эса Б.Аҳмедов тарихий романининг бевосита шу

асар билан боғлиқлиги ҳисобланади. А.Орипов драмаси учун асос бўлган тарихий манбалардан яна бири Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, В.Бартольд каби тарихчиларнинг, шунингдек, бевосита Амир Темур томонидан битилган “Темур тузуклари”дир. Бундан ташқари “Соҳибқирон” драмасининг жонли, таъсирчан чиқишида реал тарихга уйғунлигини таъминлаган жиҳатлардан бири ва асосийси тарихий вазият, хронотопнинг ишончлилигидадир.

О.Ёкубовнинг “Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири” драмаси икки парда, тўрт кўринишдан иборат бўлиб, драматург изоҳига кўра, 1399-1404 йилларда Самарқандда, Усмонлилар салтанатида ва Ўтторда бевосита Амир Темур иштирокида бўлиб ўтган воқеалар ўзига хос бадиий йўсинда акс эттирилган.

Биринчи парданинг биринчи кўринишида Самарқанддаги Кўксаройда Амир Темурнинг Султон Боязид устига юриши бошланишидан бир кун олдинги ҳаёти кўрсатилган. Унда Соҳибқироннинг суюкли рафиқаси Сулувкўзнинг канизлари опа-сингил Сарагул ва Ақчагулнинг ўзаро суҳбатлари, Сарагулнинг севиклиси эшик оғаси Қалқонбек ва Ақчагулнинг севиклиси Амир Темурнинг шахсий кўриқчиси Босқонбеклар ўртасидаги муносабатлар намойиш этилган. Бундан ташқари, бу кўринишда Соҳибқироннинг севикли ёри Сулувкўз билан суҳбати, сафар олдидан ўтказган охириги тунлари, масжиди жоме қурилишининг Сулувкўзга топширилиши, Биби Сардор билан Амир Темурнинг мулоқоти, эрта тонг чоғи Сулувкўз билан Соҳибқироннинг хайрлашуви кўрсатилган.

Мазкур кўринишда иштирок этган Амир Темурдан ташқари барча персонажлар соф бадиий тўқима характериға эға. Аммо ушбу кўринишға тарихийлик бағишлаган омиллардан бири эпик макон – Самарқанд ва Кўксаройлардир. Қолаверса, Сулувкўз қиёфасида мужассамлашган Бибиҳоним ва Амир Темур туши баёнида исми тилға олинган пири Саййид Баракалар ҳам драманинг бу қисмиға ўзига хос тарихийлик касб этган. Энг муҳими, нафақат ушбу кўринишға, балки бутун драмаға тугунлик вазифасини, шунингдек, асар асосидаги драматизмни таъминлаган зиддият Амир Темурнинг Йилдирим Боязид устиға қилган тарихий юришининг бошланиши ҳам асар тарихийлигиға жон бағишлаган. Бу тарихий юриш эса, тарихчиларнинг берган маълумотларига қараганда, 1399 йилнинг 10 сентябрида бошланган. Масжиди жоменинг қурилиши эса Амир Темурнинг

шириғи билан 1399 йилнинг 10 майида бошланган эди.

Драмадаги бадиий шартлилик эпик маконда эмас, драматик гнинг ўзига хослигида кўзга ташланади. Чунки Румо сафари 1399 10 сентябрда бошланган бўлса, масжиднинг қурилишига фармон йилнинг 10 майида бўлган. Демак, драмадаги жоме масжиднинг илишига раҳбарлик қилишнинг бевосита Сулувкўз (Бибихоним)га ширилишида тарихий ҳақиқат мавжуд. Худди шу ўринда драмага хусусиятлар жуда аниқ кўзга ташланади. Булар: воқеаларнинг жисиз давом эттирилмай энг муҳим нуқталарнинг танлаб олиниши, матик вақтнинг саҳнада жуда сиқик берилишига қарамай жуда из, баъзан бир нечта йилларнинг ўзаро қўшилиб кетиши тарзида намоиш этилишидан иборат. Шунинг учун ҳам асардаги сюжет композиция алоҳида диққатга сазовор. Бундан ташқари, драма грига хос энг муҳим хусусиятлардан бири – узоқ ўтмиш воқеалари д келажакда юз бериши мумкин бўлган воқеалар ҳақида айни шу и, шу пайтда томошабинга хабар берилади ва уни асардаги еаларнинг жонли гувоҳига айлантириш усули асарда жуда ўринли ланилган. Мана шу маънода драма, хоҳ у тарихий ўтмишга, хоҳ ажакка бағишланган бўлмасин, ҳамма вақт томошабини ўз ондошига, ўз гувоҳига айлантириш қонунияти О.Ёқубов асарида фодасини топа олган.

Демак, О.Ёқубов драмасидаги биринчи парданинг биринчи инишидаги Соҳибқироннинг Румога юриши олдидан Са- қандда ўтказган охирги туни, у кечирган ўй-хаёллар ва орзу аklarга гувоҳлик бериш мақомига биз ҳам эга бўламиз.

Ушбу кўринишда Биби Сардорнинг иштирок этиши, Су- кўзга нисбатан рашку адоват билан муносабатда бўлиши намоиш лаётган саҳна воқеаларига драматик таранглик бағишлайди; ойдаги фиску-фужурлар, тухмату бўҳтонлар ҳақида томошабинга ьлумот бериш ва кейинги воқеалар ривожига замин ҳозирлаш ифасини ўтайди.

Биринчи парданинг иккинчи кўриниши – Амир Темурнинг ён бағрига тикилган саропардасида кечган воқеалар намоишидан ланади. Унда саройбон Қалқонбек муаррихга Соҳибқироннинг ача вилоят ва музофот бекларига йўллаган фармони олийсини ираётган бир пайтда чопар қиёфасида Сарагул кириб келади. У би Сардор томонидан Сулувкўзга (Бибихоним)га уюштирилаётган

фитна ва ифволар ҳақида мактуб келтиради. Бу пайтда Амир Темур овда эди. Соҳибқирон овдан катта ўлжа билан қайтаётган бир пайтда чодирга яраланган Босқонбекни олиб кирадилар. Босқонбек ғанимлар жосуси томонидан Амир Темурга отилган заҳарланган ўққа ўзини тутиб, Соҳибқироннинг жонини асраб қолган эди. Шу пайтда Шоҳруҳ Мирзо кириб келади. Амир Темур овдан қайтгач, Шоҳруҳ Мирзони Ҳиротга, бошқа амирларни мамлакатнинг бошқа музофотларига тартиб ўрнатиш учун ўз фармони олийлари билан жўнатиб юборади. Шундан сўнг у ўз ҳузурига банди бўлган Султон Боязидни чорлайди. Улар ўртасида баҳс мунозара бўлиб ўтади. Боязид чиқиб кетгач, Сарагул фарёд солиб, Босқонбекнинг ўлими ҳақидаги хабарни айтиб Амир Темур ҳузурига киради. Амир Темур Сарагулни кўриб, унинг бу ерга келиши сабабларини сўрайди. Сарагул Сулувкўзга уюштирилган тухмат ва фитна ҳақида хабар беради. Амир Темур Самарқандга жўнаётган Шайх Нуриддин орқали алоҳида фармон бериб, ўзи қайтиб бориб, Сулувкўз ва бош меъмор ўртасидаги ишқий можаро ҳақидаги ҳақиқатни билмагунча Сулувкўзга тегмаслик тўғрисида кўрсатма беради. Шу билан иккинчи кўриниш ниҳоясига етади.

Иккинчи кўриниш драма таркибида алоҳида ўрин эгаллайди. Биринчидан — унда Амир Темурнинг Султон Боязидни енгиб, ов уюштиргани, ов пайтида Соҳибқиронга суиқасд қилинганлиги, бироқ Босқонбекнинг хушёрлиги, фидоийлиги сабабли омон қолганлиги ҳақида маълумот берилади.

Иккинчидан — драмада Амир Темурнинг Султон Боязид устидан қозонган ғалабаси, бу ғалаба учун олиб борилган жанг тасвирланмаса ҳам, бироқ бевосита мана шу кўринишда голиб Соҳибқирон ва мағлуб Боязид ўртасидаги муносабат ҳақида томошабинга маълумот берилади; Амир Темурнинг Боязид устидан юришининг ва уни фатҳ этишининг сабаблари очиб берилади.

Учинчидан — Соҳибқироннинг музаффар фотиҳ бўлиб Самарқандга қайтишига тухфа сифатида қуриб битказилиши шарт бўлган масжиди жоме қурилишига раҳбарлик қилаётган Сулувкўзга уюштирилаётган тухмат ва фитналар ҳақида хабар берилади, бу хабарга Соҳибқироннинг муносабати маълум қилинади.

Тўртинчидан - Амир Темурнинг ичкиликбозлик, айш-ишратга берилиб, давлат ишларига, раият аҳволига бефарқ қараган амалдорларга, жумладан, ўз фарзанди Мироншоҳга нисбатан қаттиққўллиги ҳақида томошабинда тасаввур туғдиради.

Бешинчидан – Соҳибқироннинг шахсий қўриқчиси Босқонбекнинг ўлими асар воқеалари оқимидаги драматизмни кучайтиришга хизмат қилади.

Драмадаги иккинчи парда учинчи кўриниш Самарқандда – Кўксаройда бўлиб ўтган воқеалар, хусусан, Сулувкўз билан боғлиқ воқеалар тасвирини, Сарагул билан Ақчагулнинг мулоқотларини, Сулувкўз ва Биби Сардор ўртасидаги зиддиятларни намойиш этади. Унда Соҳибқироннинг Румо юришидан зафар билан қайтиши шарафига жоме масжидини битиришга аҳд қилган Сулувкўз билан меъмор ўртасидаги ишқий можаро, Сулувкўзнинг парда устидан меъморга бўса бериши, бўсанинг малика юзида қора доғ қолдириши, Сарагулнинг Сулувкўзга танбех бериши, Биби Сардор билан Шайх Нуриддин томонидан бу миш-мишнинг тафтиш қилиниши, малика юзидаги қора доғ сирининг очилиши, Амир Темурнинг Самарқандга кириб келиши, Сулувкўзнинг сарой даричасидан ўзини ташлаб ҳалок этиши воқеалари намойиш этилган.

Иккинчи парда тўртинчи кўриниш эса Соҳибқироннинг Хитойга юриши воқеаларига бағишланган. Амир Темур қишлоқни Ўтрорда ўтказиб, баҳорда ўз сафарини бошламоқчи эди. Бироқ у оғир хасталаниб қолади. Ушбу кўринишда унинг алаҳсирашлари – Сулувкўз, Чингизхон, Тўхтамиш ва Йилдирим Боязид кабилар билан қилган хаёлий мулоқотлари; мамлакатни обод қилиш учун қилган саъй-ҳаракатлари баён этилади. У ўзига келгач, Ҳирот ва Балхга чопар йўллаб, Шоҳруҳ Мирзо билан тахт вориси Пирмуҳаммадни чорлайди. Сарой мулозимларини, аркони давлатни тўплаб, тахтга Пирмуҳаммад валиаҳд эканлигини маълум қилади. Амир Темур ўзи барпо этган қудратли давлатнинг тақдири ҳақида Мавлоно Муаррих билан суҳбатлашади. Шундан сўнг у яна алаҳсирай бошлайди, кўзига яна Сулувкўз кўрина бошлайди. Бу кўриниш Амир Темурнинг жон таслим этиши билан якунланади.

Хуллас, ҳар икки драма композициясининг қисқача тавсифидан шу нарса маълум бўладики, А.Орипов ҳам, О.Ёқубов ҳам ўз асарларида Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг олти йиллик даврини, унинг Румога – кибор ва хиёнаткор Йилдирим Боязид устига

юриши, уни енгиб ўз пойтахти Самарқандга қайтиши ва Чин фаффури устига юриш бошлаши, хасталаниб Ўтрорда вафот этиши воқеаларини тасвирлаганлар. Ҳар икки драматург ҳам Амир Темур ҳаётининг бир даврини акс эттиришни мақсад қилиб олган бўлсалар ҳам, бироқ бир тасвир объектига улар ўзларига хос нуқтаи назарлари, ўзларининг бадиий ҳаёлот ўлчовлари билан ёндошганлар.

Бизнинг аниқлашимизча, А.Орипов ўз драмасига тарихий воқеликни асос қилиб олиб, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид ривоят ва нақлларни ана шу воқелик таркибига сингдириб юборади. Бундай йўл тутиш, бир томондан, томошабинга буюк Соҳибқирон ҳақида ишонарли маълумот берса, иккинчи томондан, драмани тарихий воқеаларнинг қуруқ баёни бўлиб қолишдан асраган.

О.Ёқубов эса ўз драмасига Амир Темур ҳақидаги ривоят ва нақлларни асос қилиб олиб, тарихий воқеликни ана шу фольклор материаллари таркибига сингдириб юборади.

Бир-бирига маълум даражада тесқари йўналишдаги бу икки бадиий-тарихий концепция ҳар икки драматургни ягона тарихий шахс ҳаётининг бир даври ҳақида оригинал асар яратишларига сабаб бўлган.

§ 5. АМИР ТЕМУР ВА ТАРИХИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, миллий адабиётнинг тарихини ҳалол ва жиддий ниш — ўтмиш воқеаларини ҳаққоний ёритиш, унинг сабоқларини иятнинг замонавий эҳтиёжларига хизмат қилдириш нуқтаи ридан аҳамиятлидир.

Бадиий адабиётдаги тарихийлик тамойили муайян даврнинг тарихий мазмунини бадиий ўзлаштиришдан иборат бўлиб¹, у гик тафаккурдан ташқари фалсафий тафаккурнинг “воқеликка н чегарасида ўзгараётган, ривожланаётган борлиқ сифатида аббатда бўлиш” талабига асосланади².

Тарихий принцип кенг тушунча бўлиб, у адабиётдаги та- йлик муаммосини ҳам ўз ичига қамраб олади. Тарихийлик моси эса бадиий адабиётда акс этган аниқ тарихий материални, шнинг конкрет поэтик образини ифодалайди. иётшуносликда бу икки тушунча билан боғлиқ илмий ишлар гина бўлиб, биз улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмаймиз³. қ бу ўринда бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак ди. У ҳам бўлса тарихий воқеалар ва тарихий шахслар ҳақида хотирасида шаклланган тасаввур ҳамда тушунчалар масаласидир. и ҳар бир китобхон ёки томошабинда ўз халқи тарихининг ур шахслари ва қаҳрамонлари ҳақида уларнинг образлари ҳали й асар саҳифалари ёки саҳнада дуч келмасдан олдин тасаввурлар уд бўлади. Масалан: Искандар, Доро, Тўмарис, Чингизхон, Темур, Наполеон, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Бобур, раб ёки Номоз сингари машҳур тарихий шахслар ҳақида халқ да юрган тушунчалар бадиий-тарихий асарлардаги уларнинг лари талқини билан гоҳ мос келади, гоҳ мос келмайди. Бундай рда бадиий образнинг маънавий дунёси билан ўқувчи ёки шабин тасаввури ўртасидаги боғланиш, энг аввало, тарихий нинг номи туфайли вужудга келади. Демак, тарихий шахслар санъат асари учун оддий ном бўлиб қолмасдан улкан эстетик ададо этувчи бадиий компонентга айланади. Чунки тарихий

кая литературная энциклопедия. т.3. М. сов.энцикл. 1960. 227-230-стр.

софский энциклопедический словарь. М. 1998. 227-228-стр.

лемы историзма в русской литературе (конец XVII — начало XIX вв.) Л. 1981.

6-81-стр, Воробьев Н.Н. Принцип историзма в изображении характера.

8.,351-стр, Горский И.К. Польский исторический роман и проблема историзма.

3. 7-20-стр, Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Т.,1966.

бетлар, Мирвалиев С. Ўзбек романи. Т. 1969. 211-223-бетлар, Сагторов М.,

эков А. Олис юлдузлар жилоси. Т. 1984. 22-29-бетлар.

материалга нисбатан ёзувчи мустақил ва эркин бўлса ҳам, бу эркинликнинг чегаралари ўзи мурожаат этган тарихнинг энг муҳим, ўз мақсадига бевосита дахлдор белгилари билан ўлчанади.

Бизнингча, ҳар икки драмадаги тарихийликнинг қуйидаги муаммолари алоҳида аҳамиятга молик.

Биринчиси - ҳар икки драмада Амир Темур образини яратишда халқ хотирасининг тутган ўрнини белгилаш муаммоси. Ушбу муаммони ечишда А.Орипов ҳам, О.Ёқубов ҳам ўзига хос йўлдан борадилар.

Маълумки, етмиш йилдан ортиқроқ вақт мобайнида коммунистик мафкура Амир Темур шахсиятини қонхўр, босқинчи, жоҳил ва золим ҳукмдор сифатида қоралаб келди. Натижада, то мустақиллик эркини бор тарихий ҳақиқатни ошқора қилмагунча Соҳибқирон ҳақида ёш авлод онгида мавҳум тасаввурлар етакчилик қилар эди. Чунки бу мустабид тузум мафкураси оммани ўзининг ҳақиқий тарихдан узоқлаштириш мақсадида Амир Темур тарихига оид манбаларни эълон қилишни қатъиян ман этган эди. Шунга қарамай, бу улкан сиймо, унинг Туронзамин, нафақат Туронзамин, балки Европа, Ҳиндистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихида тутган роли ҳақида, бир томондан, тарихий манбалар орқали, иккинчи томондан, авлоддан-авлодга ўтиб келган халқ хотираси орқали маълум даражада тарихий ҳақиқат мавжуд эди. Бундан ташқари, А.Орипов ва О.Ёқубовлар 1996 йилда ўз драмаларини яратгунча мустақилликнинг ўтган беш йили мобайнида Амир Темур ва умуман темурийлар тарихи, бу салтанатнинг жаҳон халқлари тарихида тутган роли ҳақида анча-мунча китоб, мақола ва рисолалар эълон қилиниб, халқ хотираси орқали Соҳибқирон ҳақидаги бироз хиралашган хотиралар жонланиб, ўз йўналишига тушиб олган эди. Шу боис икки драматург ҳам Амир Темур образини саҳнада жонлантиришда бадиийлаштирилган тарих оқимида эркин ва дадил иш олиб бордилар. Юқорида қайд этилганидек, А.Орипов аниқ тарихийлик қамровига ривоят каби халқ оғзаки материални сингдириб юборган бўлса, О.Ёқубов Соҳибқирон ва унинг энг яқин кишилари ўртасидаги муносабатлар ҳақида яратилган ривоятларни соф тарихий материалга уйғунлаштириш йўлидан боради. Мана шунинг учун ҳам иккала драмадаги Амир Темур образи тарихан ишонарли, санъат асари сифатида жозибали чиққан.

Иккинчиси - ҳар икки драмада тарихийлик масаласи замон ва н жиҳатидан қамрови миқёси деярли бир хиллик касб этади. да Амир Темурнинг Самарқанддаги ҳаёти, Султон Боязид устига пи, Боязиднинг таслим бўлиши ва вафоти, Соҳибқироннинг ғрқандга қайтиши, Хитой сафарининг бошланиши ва вафот и воқеалари акс эттирилган. Демак, замон нуқтаи-назаридан юриши 1402 йил 16 февралда бошланган бўлса, бқироннинг Ўтрорда 1405 йил 18 февралда вафот этишигача н муддатни, яъни уч йиллик воқеаларни қамраб олган. Мана ч йиллик замоний муддатни тасвирлашда А.Орипов драма ининг талабларидан келиб чиққан ҳолда асар иштирокчилари і орқали Соҳибқирон ҳаётининг деярли асосий қисмини қамраб та эришган.

О.Ёкубов эса ўз олдига бу мақсадни қўймаган. Унинг драмаси орасида кенг тарқалган Бибиҳоним билан боғлиқ бир ривоят да қурилган бўлиб, асарга аниқ тарихийлик бағишлаш дида Соҳибқироннинг Румо юриши, Султон Боязид воқеаси і Хитой сафари киритилган. Шу боис “Фотиҳи музаффар ёхуд ариваш асири” драмасида Амир Темур ҳаётининг кўп даврлари одасини топмаган. Тарихийликнинг замона билан боғлиқ молари жиҳатидан бу нарса нуқсон ҳисобланмайди. Чунки тург Соҳибқирон билан боғлиқ тарихий воқеликнинг етакчи га хилоф бўлмаган ҳолда, муайян бир қисмини ривоят сюжети қига мос ҳолда акс эттирган. Демак, Амир Темур каби жаҳонга ур ва маълум тарихий ҳукмдор ҳаётининг муайян даврини ўз ишида тўғри акс эттириш баробарида муайян ҳолат, жой ва лар тасвирида ижодкорнинг эркин йўл тутиши тарихий драма і талабларига, энг муҳими, тарихийлик қонуниятларига тўла елади.

Бадий-тарихий илғамнинг шартларидан бири - тарихий асар анланган тарихий шахсларнинг ҳамда улар фаол иштирок этган ий воқеаларнинг муайян фактлар ва саналар жиҳатидан игини эмас, балки моҳият жиҳатдан ана шу давр, тарихий ва воқеаларнинг бошқа тарихий давр, шахс ва воқеалардан анадиган муҳим хусусиятларини, ўша тарихий даврнинг нини белгилаб берадиган аломатларини, ҳаракатлантирувчи ини, тарихий даврлар силсиласида тутган ўрни ҳамда ролини илиши лозим¹. Бу жиҳатдан А.Ориповнинг “Соҳибқирон” ва бовнинг “Фотиҳи музаффар...” драмалари диққатга сазовор. мик И.Султоннинг фикрича, ўтмишга айланган ҳар бир давр ихий асар учун материал бўла олмайди.

ов А. Бадийлик ва тарихий ҳақиқат. Т., 1995, 50-бет.

Жумладан, у бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Хуллас, тарихий масофа, ғоявий масофа мавжуд бўлган тақдирдагина, менингча, асарнинг тарихийлиги ҳақида гапириш мумкин. Акс ҳолда, мезон йўқолади”¹.

Мафкуравий масофа дейилганда, албатта, танланган тарихий давр воқеалари ва шахсларига мафкуравий жиҳатдан муҳолифий ёндашишни тушунмаслик керак. Тарихий давр, воқеа ва шахсларга ижодкор ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий зиддиятда ёки уйғунликда ҳам бўлиши лозим. Бироқ ҳар икки ҳолда ҳам у ўз муносабатини аниқ тарихий фактлар воситасида асослаши шарт.

Умуман, драматик тур, хусусан, драма жанри учун хос хусусиятлардан бири драма персонажларининг ўз хатти-ҳаракатлари ва нутқлари орқали ўзларини намоиш этишлари, айтишу жараёнда тасвирланган давр руҳи, воқеалар кўлами ҳақида томошабинда кенг тасаввур туғдиришдан иборат. Шу жиҳатдан қаралса, А.Орипов ва О.Ёқубовларнинг драмаларида Соҳибқирон умрининг сўнгги йилларидаги фаолияти тасвирланган бўлса ҳам, бироқ бевосита Амир Темур ва унинг атрофидаги кишилар нутқи воситасида бу улук жаҳонгир умрининг деярли барча давлари қамраб олинган. Шунинг учун ҳар икки драма билан танишган ўқувчи ёки томошабин Амир Темур ҳаёти ва унинг салтанати ҳақида яхлит тасаввурга эга бўла олади.

Маълумки, драматик турга мансуб барча жанрлар, жумладан, драма жанри учун хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири асарни жамоавий идрок этиш ҳисобланади. Шундай экан, драма асари воқеаларини кўриб ўзлаштириш, томошабин дидига, хайрихоҳлиги ёки эътирозига сабаб бўлиши охири оқибатда асарнинг тақдирини ҳам ҳал қилади. Шу жиҳатдан А.Орипов ва О.Ёқубовларнинг асарлари тўла маънода драма жанрининг талабларига жавоб беради. Чунки Амир Темур ҳаётининг тасвир объекти қилиб олинган барча нуқталари бевосита тарихий манбалар ва у ҳақда яратилган халқ ривоятлари билан тасдиқланади. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, А.Орипов ва О.Ёқубовларнинг драмалари Амир Темур ҳақида халқнинг пешқадам қисми онгида шаклланган ижобий тасаввурга мос келади. Бинобарин, бу асарнинг узоқ йиллар саҳнада яшашлари таъминланган дейишга асос бор.

¹ Иззат Султон. Тарих ва замонавийлик. “Гулистон” журнали. 1981. № 1, 17-бет.

Сартарош: Соҳибқирон, бошингизни сал қуйи эгинг,
Устарамнинг тиғи ўткир, дами кўп тезкор.

Темур: Сартарошга бош эгар, ҳа, жаҳонгирлар ҳам,
Бошқаларга эгилишдан асрасин худо!
... Гап юрармиш, гўё Темур табассум қилмас,
Гўё менга хурсандчилик, шодлик бегона.
... Қўни - қўшни улусларнинг ҳукмдорлари
Шамширимдан қўрқадилар, шонимдан эмас
Сартарошсан, мана сенга бошимни эгдим,
Бироқ мени авф этгайсан,
Тиз буколмайман.¹

Келтирилган парчада биз учун нозик бир жиҳат аҳамиятли: тарихий драмадаги тарихий шахснинг маиший ҳаёти, хатти-ҳаракатини намойиш этишда ижодкор эркин, аммо ана шундай ҳолларда ҳам у тарихий шахс образининг моҳиятини, унинг тарихда эгаллаган мавқеи ва салобатини бузишга мутлақо ҳақсиздир.

У ҳолда А.Орипов сартарош ва Амир Темур диалогини нега келтирди? Бизнингча, бу диалог тарихий диалог эмас, балки Амир Темур образининг тарихий қиёфаси, вазифаси ва унинг яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихида туган ўрнини томошабинга етказиш мақсадида ижодкор томонидан қўлланган бир восита эди холос. Бундан ташқари, айти шу диалог воситасида драматург Соҳибқироннинг жаҳонгир даражасига қадар кўтарилиши, унинг ёшлиги, мўғулларга қарши олиб борган курашлари, йигитлик даврида бошидан кечирган воқеалари ихчам шаклда томошабинга етказиш вазифасини ўтаган. Асардаги тарихий шахс — Амир Темур образи эса ўз ўрни, ўз мавқеи ва даражасида сақланиб қолган. Демак, тарихий драмада тарихий шахснинг бадиий талқини тарихий концептуал талқин даражасида сақланиши шарт.

¹ А.Орипов. Соҳибқирон. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 8-9-бетлар.

Шу ўринда мазкур саҳнадаги энг драматик вазиятлардан яна бирига — Соҳибқирон билан Қозоғоннинг набираси Амир Сайиннинг учрашувига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Тарихий манбалардан маълумки, Амир Хусайн Қозоғоннинг валиаҳди сифатида Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиш мақсадида яширин суратда ҳаракат қилиб, тахтни қўлга киритиш учун қўлай фурсат кутиб юрар эди. Бироқ у ўз мақсадига эришиш учун дадил интила олмас ҳам эди. Чунки унинг йўлида жасур, доно, бақувват Амир Темур турар эди. Яна шу кўрқув уни баъзан Амир Темурга кўмаклашишга ҳам мажбур қилар эди. Бундай хатти-ҳаракатни у ўзининг Амир Темурга қаршилик риндошлик ришталари билан боғланганлиги билан изоҳларди. Чунки амир Қозоғон набираси Улжой Туркон оғони, яъни Амир Сайиннинг синглисини, Соҳибқиронга никоҳлаб берган эди. Амир Темур куёв бўлгач, Қозоғоннинг васиятига биноан Мовароуннаҳрга фақат Соҳибқирон ўтириши керак эди. Аммо тахт учун кураш-тириш бунга тез имкон бермади. Даъвогарлардан бири эса амир Хусайн билан, ҳукмдорлик учун курашларда ўзининг енгиб чиқишига у тўлиқ имкон эмас эди. Масалан, Амир Темур олтмишта отлиқ билан марқандни ташлаб Бадахшонга кетмоқчи бўлади ва пири Шайх пол маслаҳати билан Хоразмга йўл олади. Бундан хабар топган Ёсқўжа Хива хони Тўкал баҳодирга хат йўллаб, Темурни ўлдириш имлигини маълум қилади. Тўкал баҳодир мингта лашкар билан Соҳибқиронни қарши олади. Шу жангда Амир Темурни ўлдирилиши кутилган ҳаррар бўлиб қолади. Бироқ ёрдамга келган Амир Хусайн кўмаги билан Амир Темур омон қолади.

Иккинчи бир воқеада эса Амир Хусайн Соҳибқирон истагига қарши тулади. Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Сеистон ҳокими Абулқасим Маҳмуднинг илтимосига биноан исённи бартараф этади. Бундан янада Амир Темур уч қалъа ва жуда кўп ўлжани қўлга киритади. Бироқ Амир Хусайн бу ўлжани Амир Темурдан сўраб ўтирмай қўйиб, ўзи аштириб олади. Амир Темур эса андиша юзасидан Хусайнга ҳеч нарса демайди. Чунки Соҳибқирон Амир Хусайннинг феъл-атворини, ҳаракатини, унинг ҳасадгўй, ҳасис ва пасткашлигини яхши биларди. Чунки фикрни “Темур тузуқлари”даги қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди: Биринчи навбатда Мовароуннаҳрда салтанат байроғини кўтарган Амир Хусайн Қозоғоннинг набираси Амир Хусайнни давлатига шерик деб қабул қилди. 2) а) эшиттирдим ва у билан мураса-ю мадора қилдим.

Гарчи у ташқи кўринишидан менга дўстлик билдирса-да, аммо ичида ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. Чунки ўзи Мовароуннаҳр салтанати тахтига ўтиришни орзу этарди. Унга ишончим йўқлиги туфайли уни Хўжа Шамсуддин Кулол мазорига бошлаб бориб, дўстлик изҳор қилиб қасам ичдим. У ҳам дўстликка хилоф бирон иш қилмаслик ҳақида аҳду паймон этди.

Амир Ҳусайн шундан кейин яна уч бор Қуръони Мажидни кўлига олиб, дўстлик бобида онт ичди. Лекин аҳдига вафо қилмагани учун охири менинг жазойимга гирифтор бўлди... Амир Ҳусайн билан орамизда қариндошлик бўлганидан унга турли мурувват кўрсатиб, мураса-ю мадора қилдим, лекин дўст бўлмади. Иш шу даражага бориб етдики, Балх ва Ҳисори Шодмон вилоятларини мендан тортиб олди. Мен эсам унинг синглиси ҳарамимда эканлигининг хотирини қилиб, амир Ҳусайнни сиқувга олмадим. У билан мураса-ю мадора қилишга шунчалик интилдимки, ҳатто унинг амирларига ҳам бу таъсир этиб, менга бўйсундилар. Лекин амир Ҳусайн ҳамма вақт мени мағлуб этиш пайига тушиб, фириб бериб келарди. Охир-оқибат уни қиличим билан бўйсундиришга қарор бердим”¹.

Қисқача қилиб айтганда, Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасидаги низо ва адоватлар 1370 йилнинг 10 апрелига қадар, яъни Балх қалъсидаги жангда Амир Ҳусайннинг асир олинишига қадар давом этади. Ҳусайн банди қилинган, 12 апрелда Амир Темурнинг ҳукми билан Ҳутталон ҳокими амир Кайхусрав томонидан қатл этилади. Чунки Кайхусравнинг иниси Кайқубодни 1360 йилда Амир Ҳусайн ўлдирган эди. Шунинг учун ҳам Кайхусрав Амир Ҳусайндан хунталаб бўлиб юрар эди. Мана шу тарихий ҳақиқатни А.Орипов ўз драмасига киритади. Фолиб куёв ва мағлуб қайноға ўртасидаги зиддиятли мулоқот эса, бир томондан, асардаги драматик тарангликни кучайтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон тахтига ўтиришида қаршилик кўрсатган амиру бекларнинг кўплиги, уларни енгилда Соҳибқирондаги ақл-идрок, сабр-бардош ва жасоратнинг чексизлиги ҳақида томошабинда тўла тасаввур туғдиришга имкон берган:

Темур: Умр чопагон!
Бизлар минган бедовлардан кўра учқур у.
Ё Ҳусайн!

¹ Темур тузуклари. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 46-47-бетлар.

Эслайсан-а, бирга ўсгандик.

Сен Қозоғон набираси!

Мен — барлосзода!

Амир Ҳусайн:

Бир қиблага баб - баровар юзни бурсак ҳам,

Сен ўзга бир хонадондан,

Мен — Чингизийман!

Темур:

... Билиб қўйгин, Амир Ҳусайн.

Оёқ - қўлинг боғлаб келган ўша ҳасаддир.

Мен буюк бир салтанатни тузмоқдаману

Биринг у ён,

Биринг бу ён тортасан, аттанг.

Ўртамизда қўйиб ҳатто Каломуллони

Неча марта қасам ичдинг,

Эсла, Ҳусайн!..

Амир Ҳусайн:

Омад мендан юзин ўгирди.

Йўқса сенинг тожу тахтинг бўларди менда!

Мадрасага бекингандим, аблаҳ Қайхисрав

Таниб қолмиш эгнимдаги зарбоф тўнимдан.

Темур:

Қайхисравнинг отасини сен ўлдиргандинг,

Ўша хун деб сени тутиб келтирмишдир у.

Омадсизлик эмасдир бу — қилмиш-қидирмиш...

... Сирдарёнинг бўйларида Жетига қарши

Иккаламиз чиққан эдик ўша машғум кун.

... Лой жангида сен сабабли ночор қолганман.

Ўн минг аскар нобуд бўлди, афсус ўшанда¹.

Дарҳақиқат, 1365 йилда Илёсхўжа катта қўшин билан Моуннаҳрга юриш бошлайди. Унга қарши Амир Темур ва Амир йн қўшин тортадилар. Икки томон қўшинлари Тошкент ва Чиноз сида тўқнашади. Жанг пайтида кучли жала ёғиб, ҳамма ёқ иққа айланади. Шу боис бу жанг “Лой жанги” номи билан қда қолди. Ушбу жангда Амир Ҳусайн қўшинлари чекинади ва (бқирон мағлубиятга учрайди. Юқоридаги диалогда ана шу сий воқеага ишора қилинган.

апов. “Соҳибқирон”, Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 15-бет.

Ниҳоят, шиддатли бу диалог Сарбадорлар ҳаракатига келиб тўхталади. Бу нарса табиий, чунки бу ҳаракатнинг сўнишида кўп пайтлар Амир Темур қораланиб келинди. Аслида эса Илёсхўжа бошчилигидаги мўғул қўшинлари Амир Темур ва Амир Ҳусайнни енгиб, Самарқандга юриш бошлайди. Бундай қўшинга сарбадорларнинг раҳнамоларидан мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчи Абу Бакр Калавий, камонсоз Хурдаки Бухорийлар даъвати билан бутун Самарқанд аҳолиси қарши чиқади ва Илёсхўжа қўшини енгиледи. Ушбу хабарни эшитган Амир Темур билан Амир Ҳусайн яна Самарқандга қайтадилар. Улар Конигилда қарор топиб, сарбадорлар раҳнамоларини шу ерга таклиф қиладилар. Бу ерга келган раҳнамоларнинг кўпини Амир Ҳусайннинг маслаҳати билан қатл этадилар. Улардан фақат биттаси – Мавлонзода Амир Темурнинг аралашуви билан омон қолади.¹

Сарбадорлар ҳаракатига Амир Темурнинг муносабатини томошабинга маълум қилиш учун ҳам драмадаги Соҳибқирон ва Амир Ҳусайн ўртасидаги диалог ўз-ўзидан мана шу тарихий воқеага келиб тақалади.

Темур:

... Маккор мўғул Самарқандни қайта босганди.
Подшоҳи йўқ мамлакатнинг аҳволи маълум.
Шундай пайтда бош кўтариб чиқди бир гуруҳ.

Амир Ҳусайн:

Сарбадорлар!

Темур:

Сарбадорлар, ҳа, сарбадорлар!
Мардонавор кўриқлади улар шаҳарни,
Улоқтириб ташладилар мўғул қўшинин
Сен билан мен тайёр ошга баковул бўлиб
Салтанатни тортиб олдик сарбадорлардан...

Амир Ҳусайн:

Мен билардим, мойил эдинг сарбадорларга,
Дордан олиб қолган эдинг улардан бирин,
Исми унинг Мавлонзода.

Темур:

Сен сабаб бўлиб
Самарқандда норозилик бошланиб кетди.
... Солиқ солдинг бева демай, бечора демай.

¹ Аҳмедов Н. Амир Темур. Ривоят ва ҳақиқат. Т. Қомуслар Бош Таҳририяти. 1996. 37-бет.

... Бехуда қон тўққанларинг бир карра бўлса,
Элу юртни талаганинг ўн карра бўлди,
Мен бир неча сарбадорни сақлаб қололдим.
Ватан учун жонин тиккан фидойиларнинг
Қисматига ачингандим, тахтига эмас...¹

А.Ориповнинг маҳорати шундаки, у тарихий ҳақиқатга эсланиб, Соҳибқирон Амир Темур образини зўрма-зўраки мадҳ иш, уни кўкка кўтариш йўлидан бормай, образнинг бадиий ҳатдан мукамал чиқишини таъминлашда бадиийликнинг энг ҳим мезонларидан бири образнинг тарихан аниқ, моҳиятан тиниқ қишига катта эътибор беради.

Тарихий шахс образининг бадиий талқини масаласида Ёқубов ҳам ўз драмасида ўрни билан бадиий тўқимага катта ўрин зади. Масалан, драмадаги биринчи кўринишда опа-сингил Ақчагул, рагул ва Босқонбек ҳамда Қалқонбеклар ўртасидаги муносабат, арнинг ўзаро мулоқотлари, Соҳибқироннинг Сарагулга мурожаати а шулар жумласидандир:

Соҳибқирон (Сарагулга): - Бибинг қайда, пучуқ?

Сарагул: - Ўз хонасидадир, Ҳазратим!

Соҳибқирон: - Сўра!

Сарагул: - Қиллиқ (Қалқонбек билан иккиси кўз уштириб, жилмайишади).

Соҳибқирон (буни пайқаб): - Ҳаҳ шайтонлар. Лоақал жаноб ҳибқирон ҳузурида одоб сақласаларинг бўлур эрди².

Ушбу парчадан ҳам кўриниб турибдики, ижодкорларнинг дий ҳаёлотини Амир Темурдек улкан тарихий шахс талқинида фақат иший-ҳаётий ҳолатлар тасвирларидагина иш берган холос. Амир мур шахсининг бадиий-тарихий талқини билан боғлиқ қолган рча ўринларда ижодкор етакчи тарихий мезонларга тўла амал лган. Шу ўринда биз юқоридаги парчадан туйган бир ҳисни маълум лишга мажбурмиз. У ҳам бўлса, Соҳибқирон билан эшик офоси лқонбек ва унинг севгилиси, маликанинг хос канизи Сарагул тасидаги мулоқотда тарихий-ахлоқий чегара бироз бузилгандек юлишини айтишдан иборат. Бизнингча, Амир Темурдек жаҳонгир ликанинг хос канизи ва эшик офосига “пучуқ... ҳаҳ шайтонлар...

1. Орипов. “Соҳибқирон”. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 96, 19-21-бетлар.

2. Ёқубов О. Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири. Т. “Ёшлик”. 1996. №2. 4-бет.

лоақал жаноб Соҳибқирон ҳузурида одоб сақласаларинг бўлур эрди” дейиш даражасига тушмаган бўлса керак. Улкан тарихий шахснинг бадиий талқинидаги бу мезон, бир томондан, тасвирга жонлилик, ҳаётийлик ва самимийлик бағишлаши баробарида драмага асос бўлган тарихий шахс сиймосини бироз оддийлаштириб қўйганга ўхшайди. Иккинчи томондан, сарой хизматчилари ҳамда маликанинг канизлари Амир Темур ҳузурида кўриниб, ўзларини бу қадар эркин тута олмаган бўлсалар керак, чунки сарой этикаси бунга монелик қилади. Шунга қарамай, биз асардаги Амир Темур образига тарихий шахс сифатида чуқур ҳурмат ва жиддий муносабатда бўламиз.

Тарихий драмадаги тарихий шахс ҳақиқий маънодаги тарихий шахс ва уни ижодкор ўзгартиришга, ўзгача бадиий талқин этишга ҳақли эмас деб қаровчи тадқиқотчилар ҳам мавжуд. Ушбу масалада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар ижодкор тарихий драмада тарихий шахс образини бадиий талқин этмас экан, у бадиий асардан кўра тарихий асарга яқинлашиб қолади. Бундай асарни эса бадиий адабиётга умуман алоқаси бўлмайди.

Мана шу жиҳатдан А.Ориповнинг тарихий драмасига мурожаат этсак, унда Амир Темур образи, у яшаган ва фаолият кўрсатган муҳит, шарт-шароит моҳият эътибори билан тўла сақланган, аммо образнинг бадиий талқини ана шу йирик тарихий қамров доирасида ҳам ўзини намоён эта олган. Биргина мисол. Ангора яқинидаги бўлган жангда Султон Боязид мағлубиятга учрайди ва қўл-оёғи боғланган Султонни Амир Темур қароргоҳига олиб келадилар. Соҳибқирон Боязиднинг султонлик даражасини ҳурмат қилиб, қўл-оёғини ечтиради ва ҳукмдорга қандай илтифот лозим бўлса, ана шу даражада иззат-ҳурмат кўрсатади. Драмадаги ушбу кўриниш тарихий ҳақиқат бўлиб, бу ҳақда “Зафарнома”нинг 1519 йилда Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан қилинган ўзбекча таржимасида куйидагича ёзилган: “Ул жамоатким, Йилдирим Боязиднинг кейнида бориб эрдилар, Султон Маҳмудхон Йилдирим Боязидқа етиб, ани тутуб келтурди. Номози хуфтан эрдиким, Йилдирим Боязидни даргоҳи олампаҳода келтурдилар. Соҳибқирон фармонладиким, “эликни ечиб, ҳурмат била келтурсунлар! “Бас, анииззат тутуб, ўз қошида ўлтурғизди ва дедиким, “ҳар нечаким, сенга насиҳат қилдук, эшитмадинг. Ва бу воқеа ўзунгдин сенга келди. Ва менга сўзлар айтиб йибардингким, зарурат бўлуб сенга келдим. Йўқ эрса, сен мулозимат билан бизнинг била маош қилур эрдинг. Сенга мундоқ кун учрамас эрди. Ва мен мунчаким таҳаммул қилдимки, шояд сен инсоф йўлига

У ахир шох-ку!

Чумолилар хор қилишса арслон рутбасин

Бузулгайдир ўрмоннинг ҳам қонунияти.

(Боязидга)

Мен таассуф билдираман, тушунгин, Султон.

Боязид:

Асир бўлиб турсам ҳамки қошингда, Темур,

Зор эмасман илтифотинг, таассуфингга.¹

“Зафарнома”да хабар берилишича, Амир Темур Султон Боязидга иззат-ҳурмат кўрсатиб, Рум вилоятининг ҳукмдорлигини топширади. Бироқ Йилдирим Боязид 1403 йил 9 мартда зайиқи нафас ва нуноқ хасталигидан вафот этади. Соҳибқирон қаттиқ изтироб чекиб, шоҳона иззат-икром билан Боязиднинг жасадини Бурсадаги унинг қурдирган мақбарасига дафн эттиради².

А.Орипов драмада Боязиднинг нима сабабдан вафот этганлигини айтмаса ҳам, бироқ унинг Соҳибқирон томонидан шоҳона ҳурмат-эҳтиром билан дафн эттирганлигига қисқача ишора қилиб ўтади:

Ясовул:

Бандаликни бажо қилмиш султон Боязид.

Темур (фотиҳага қўл тортиб):

Худо уни раҳмат қилсин,

Ўлим муқаррар.

(Ясовулга)

Етказингиз амирлару шаҳзодаларга,

Таъзияга кечикмасдан етиб боргаймиз.

(Ясовул чиқади)

Ғалати бир ҳикмат бордир бу ҳодисада,

Иродасиз бўлар демак такаббур одам.

Такаббурнинг қуролидир, демак, ўжарлик.

Мағлубият юкини у кўтаролмабди.

Султонга ҳос ҳурматини қилгумдир лекин³.

¹ А.Орипов. Соҳибқирон. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 1996. 71-бет.

² “Зафарнома”, Т. Шарқ нашриёт - матбаа концерни, 1997, 269-270-бетлар.

³ “Соҳибқирон”, Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 90-бет.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, А.Орипов рамада Соҳибқирон билан Султон Боязид ўртасидаги муносабатга тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндошади. Гарчи драмада Боязидга эс ўжарлик ва адоватпарастликка бироз каттароқ ўрин берилган бўлса ҳам, ammo воқеалар йўналиши ҳамда моҳиятини белгилашда шоир тарихийликка тўла амал қилган.

Бу нарса иккинчи йирик тарихчи Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сида ҳам аниқ қайд этилган. Жумладан, ушбу тарихда ҳам қуйидагилар ёзилган: "(Боязид) яқин етгач, (Амир Соҳибқироннинг) подшоҳона яхши хулқ томирлари ҳаракатга келиб, исравона гўзал ахлоқи қўзғалди: амирга биноан уни банддан ўшатиб, Амир Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Бу исотбўсликка келганида ўзини ожизлигу мискинлик мақомида тутди. Амир Соҳибқирон унинг гуноҳларини авф этиб, карамли кишилар қатича уни эъзозу икром билан қарши олди ва ўз олдида фахрли бир мақомга ўтказиб, хитоб тариқасида деди: "Агарчандки илоҳий қдирга қарши чора кўриб бўлмаса ва фалак тақозосини саъю кўшиш билан рад қилиш ва тўхтатиш муяссар бўлмаса ҳам ... ammo, ҳақиқатда, ёмонликни сен ўзингга ўзинг қилдинг..." Боязид шикасталик ва возеъ мақомида туриб, ўз гуноҳларига иқрор бўлиб, деди... "Бахтнинг ёр бўлмаганлиги туфайли мен сендек бир Соҳибқироннинг сийҳатларини қабул қилишдан юз ўгирдим, оқибат ўз феълим жасини топдим ва ўз қилмишим мукофотини кўрдим... Агар гуноҳимни кечирсанг, марҳамат рақамини журмим дафтарига тортсам, тирик эканман, ўзим ва фарзандларим бандалик ва хизматкорлик мақомида туриб умр кечирамиз, кучимиз етканича хизматкорлик қилида жонбозлик қилишни ўзимизга лозим биламиз"¹.

Шарафуддин Али Йаздий ҳам, Низомиддин Шомий ҳам ўз ихларида бандиликка тушган Йилдирим Боязиднинг ўз хатоларига қарор бўлганлигини айтадилар. Бу тарихий ҳақиқат А.Орипов амасида атайлаб эътироф этилмайди. Бунинг сабаби эса шоирнинг ама жанри талабларига кўра асардаги кескин руҳни ушлаб туришнинг атайлаб қўлланилган бадийий усулдан иборат.

Султон Боязиднинг бандиликка тушиш саҳнаси О.Ёқубовнинг амасида мавжуд. Қуйидаги мулоқот бунинг далилидир:

Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т. "Ўзбекистон" нашриёти, 1996. 334-336-бетлар.

Қалқонбек: - Давлатпаноҳ, Фарангистондан элчилар келишди. Юз хачир савғо-салом ва фаранг қиролининг ёрлиғини келтирмишлар.

Соҳибқирон: - Йўқ, фаранг элчилари навбат кутгай. Аввал Султон Боязидга йўл бер! (чодирдагиларга) Сизларга ижозат! Саҳар ҳозирлигини кўргайсизлар! (муаррихга) Сиз қолинг, мавлоно. Сўхбатимизни ёзиб олмоғингиз даркор!

...Қалқонбек чиқади. Султон Боязид кириб бош эгади. Устида жўнгина қаро чакмон, бошида қулохсимон қалпоқ.

Соҳибқирон: - Марҳамат, тўрга ўтсинлар, жаноб Султон.

Боязид: - Ташаккур! Фақир эндиликда султон эмас, Сиздай музаффарнинг мағлуб бир қулидурман!

Соҳибқирон: - Такаббурлик қилмай юқори ўт! Букун камининг азиз меҳмони бўлурсен.

... Боязид: - Бас! Фақир бу кун бул ўткинчи маконда бор, эртага йўқмен. Умид қиламенки, гўр ёқасида турғон бандаи ожизни бир оғиз сўздан Мосуво этмайсиз, амирал мўъминин!

Соҳибқирон: - Йўқ, Мосуво қилмаймен, аммо кўнглингдаги заҳрингни ҳам, айтадурғон каломингни ҳам яхши билурмен, Йилдирим!

Боязид: - Яхши билурсиз?

Соҳибқирон: - Билурмен. Сен изҳори ихлос қилмоқ эрмас, маломат тошларини ёғдирмоқ азмида келгансен, хузуримга.

Боязид: - Астофурулло!

Соҳибқирон: - Каломинг шулким, мен, кимсан Султон Боязид буткул турк оламини мағриб ғайридинларидан асраб, ўртага қалқон бўлиб турғон эрдим, сен эрса мени тору мор қилиб, ганимларимизга йўл очиб бердинг, демоқчисан сен!

Боязид: - Бу сўзим ҳақиқат эрмасму, Соҳибқирон! Мағрибда қилич яланғочлаб турган ёвларингизга йўл очмадингизму? Машриқда Ўрусияга қарши кўкрак кериб турғон Тўхтамишхон ер билан яксон қилиб ...

Соҳибқирон (қалтираб): - Бас, ул мунофиқдин сўз очиб, эски ярамни тирнама, Йилдирим! Падари бузруквори оламдан ўтиб, етим қолганида унинг бошини силаб, таълим-тарбия қилиб, отаси тахтига ўтказган ким? Амир Темур Кўрагоний эмасми?

Боязид: - Амир Темур Кўрагоний, аммо...

Соҳибқирон: - Кўрагоний бўлса, нечун бул маломат?

Мағрибдаги ғанимларимга қарши қалқон бўлиб тургон эрдим б кўкрак керарсан, аммо ёлғиз кўзингни Мағрибга эрмас, шриққа қадайсен? Менинг сарҳадимга таҳдид соласен. Камина ни кўзи кўр бир фақир десам, дилинг ҳам кўр эркан, Боязид!

Боязид: - Фақирни авф этгайсиз, ҳазратим. Мени кўр қилиб итган эгам, сизни ҳам чўлоқ қилиб яратибдур.

Соҳибқирон: - Ҳа, парвардигори олам, бу дунё тақдирини кўр, бир чўлоққа топширибдур. Аммо бу кун менга бир ҳақиқат бўлди: кўр бўлгондан, чўлоқ бўлгон афзал эркан! Тагин не арзинг сўзла, Йилдирим!"¹

Батафсилроқ келтирилган драмадаги бу кўринишдан ва ибқирон билан Боязид ўртасидаги мулоқотдан бир неча мақсад да тутилган. Биринчиси - ҳақиқатан ҳам тарихий манбаларнинг ган маълумотларига кыра, Соҳибқирон ва Боязид ўртасида оқот бўлганлиги, аммо О.Ёқубов драмасидагидек руҳда маганлиги айни ҳақиқат. Демак, драматург тарихан бўлиб ўтган ихий воқеалар ҳақида томошабинга ишора қилишга аҳд қилган.

Иккинчидан, Султон Боязидга қарши юриш қилгунга қадар ир Темур Тўхтамишхонни мағлуб этган эди. Мулоқотда Боязид шу тарихий воқеаларни эслатиб, Соҳибқиронни ноҳақликда гамоқчи бўлади.

Учинчидан, Султон Боязид мусулмон дунёсини мағрибдаги ибларидан муҳофаза қилиш ниқобида Амир Темурга қарашли адларни ҳам босиб олиш ва охир оқибатда танҳо жаҳонгир шни мақсад қилиб олган эди. Бироқ унинг бу ёвуз ниятини англаб и Соҳибқирон уни бутунлай мағлуб этади.

Тўртинчидан, Боязид Амир Темур ҳузуридан қочган Қора фга ўхшаган ғаламис, ўғри ва адолатсиз ҳокимларга ўз қаноти дан жой бериб, улардан Амир Темурга қарши фойдаланиш дан боради. Соҳибқирон Боязидни мағлуб қилиш баҳонасида инг ҳам хавф-хатарига барҳам берди.

Демак, О.Ёқубов бу драмасида Султон Боязидни қўл-оёғи инган ҳолда эмас, балки Амир Темур марҳамати билан озод-

ик” журнали. 1996, № 2, 8-9-бетлар.

ликка эришган мағлуб султон ҳолида тасвирлаш, уларнинг мулоқоти орқали ўрталаридаги низо ҳарбларининг тарихини томошабинга очиб беришни мақсад қилиб олган. Бизнингча, у бу мақсадига эриша олган.

А.Ориповнинг “Соҳибқирон”, О.Ёқубовнинг “Фотиhi музаффар ёхуд бир париваш асири” драмаларида Амир Темурнинг Румо сафари, Йилдирим Боязиднинг мағлубияти ва асир тушиши ҳар икки асардаги асосий конфликтнинг энг авж нуқтасини ташкил этади. Бироқ тарихда ўчмас из қолдирган бу юришнинг бош сабаби иккала драмада икки хил берилган.

А.Орипов Соҳибқироннинг Румога сафарининг туб сабабини аниқ тарихий материалларига асосланиб бадиий талқин қилади. Асарнинг иккинчи саҳнасида Амир Темур сарой аъёнлари билан давлатни бошқариш, жангларда қўлланиладиган ҳарбий тактика ва стратегия масалаларида набиралари – Жаҳонгир мирзонинг ўғли Пирмуҳаммад Мирзо, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Улуғбек Мирзоларни имтиҳон қилиб турган пайтда икки чопар келади. Улардан бири Сарандиб ҳукмдорининг чопари Борчиқ, иккинчиси Румо ҳукмдори Султон Боязиднинг чопари Султон Шабли эди. Биринчи чопар ўз исмининг маъносини билмаганлиги учун Амир Темур уни қабул қилмайди. Иккинчи чопар эса Боязиднинг мактубини Соҳибқиронга топширади. Ушбу мактубда эса Султон Боязид Амир Темурга нисбатан ҳақоратомуз сўзларни битган эди:

Уруш билан ҳал бўлажак бу можаролар,

Агар сен биз томонга келмасанг, Темур.

Билиб қўйки, хотинларинг уч талоқ бўлғай,

Агар сени енга олмай чекинсам ортга,

Унда менинг хотинларим бўлсин уч талоқ.¹

Драма билан танишган ҳар бир шахсда бундай ҳақоратомуз сўзларнинг Амир Темурга нисбатан қўлланиши тарихий ҳақиқат эканлигига шубҳа туғилади. Бироқ тарихий манбалар бу нарсанинг ҳақиқатан ҳам юз берганлигидан далолат беради.

“Зафарнома”да ёзилишича, Қора Юсуф Амир Темур билан муҳолифатга бориб, Румога боради. Қайсари Рум Йилдирим Боязид бунга ишониб, Амир Темурга қарши лашкар тўплай бошлайди. Шунда унинг атрофидаги ақобиру уламолар Султон Боязидга “ҳеч бир –

¹ А.Орипов. “Соҳибқирон”, Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 й., 45-бет.

ҳукмдор Амир Темурга муҳолифат қилиб обрў топган эмас, барчаси мағлуб бўлганлигини” айтишгач, у ўз ниятидан қайтади. Боязид ўзининг тобелигини тан олиб, Амир Темурга мактуб йўллайди. Бу мактубга жавобан Амир Темур ҳам мактуб йўллаб, Боязиднинг фаранглар билан олиб бораётган ғазоларида ҳамкор эканлигини, аммо Қора Юсуф Туркмонни тутиб, ўзига юборишини талаб қилади. Бироқ бу мактубга Боязид жавоб қайтармайди. Шундан сўнг 1402 йилнинг 7 апрелида иккинчи мактубни юборади. Унда Соҳибқирон яна ўша талабини ва Камох қалъасини топширишни талаб этади. Бироқ Боязиддан жавоб бўлмагач, Соҳибқирон Камох қалъасини босиб олади. Қалъа таслим бўлганда Румодан элчилар келади. Уларнинг келтирган хабарларига кўра, Йилдирим Боязид шайтон васвасасига эриб, диёнат йўлидан чиқиб, Камох қалъаси учун номақул ўзларни айтиб юборади¹. Мана шундан сўнг Соҳибқирон Боязид етига юриш бошлайди. Биз учун энг муҳими А.Орипов Боязид мактубидаги хотинни талоқ қўйиш ҳақидаги маълумотни қаердан олганлигини аниқлашдир. Чунки “Зафарнома”да фақат “номақул ўзлар айтиб йибариб эрди” дейилган холос.

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сида ҳам шу мазмундаги хабар берилган: “Шу аснода Йилдирим Боязид тарафидан Амир Соҳибқирон ҳузурига элчи етиб келиб, тутруқсиз сўзларни ўртага қўйди, Камох қалъаси тўғрисида ҳам номақбул узрларни айтди”.²

Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида энг мукамал ва энг шончли маълумот берувчи бу икки тарихчининг ёзиб қолган хабарлари, Боязид Соҳибқиронга фақат номақул (Шарафуддин Али Йаздий), тутруқсиз ва номақбул (Низомиддин Шомий) ўзларни айтиб юборган. У ҳолда А.Орипов Соҳибқиронга Боязид омонидан йўлланган мактубдаги “хотинларни талоқ қилиш” ҳақидаги маълумотни қаердан олди экан, деган савол туғилиши табиий. Ёки “номақул”, “номақбул” аниқловчиларни драматург хотинларни талоқ қилиш” деб талқин қилдимиз?

Бизнинг аниқлашимизча, А.Орипов ҳар бир инсоннинг, аниқса Амир Темурдек ҳукмдорнинг иззат-нафсига тегадиган бу саволни йирик темиршунос академик Б.Аҳмедовнинг “Амир

Шарафуддин Али Йаздий. “Зафарнома”, Т. Шарқ нашриёт-маъбаа концерни, 1977, 256-бет.

Низомиддин Шомий. Зафарнома, Т. “Ўзбекистон”, 1996, 327-бет.

Темур” номли тарихий романидан олган. Чунки романда худди шу мавзудаги сатрлар мавжуд: “Боязид Йилдиримининг жавобидан: “Яхши билгилким, бизни тезлашга сўзлағувчининг ўзи тезланиб келсун. Агар келмасанг, хотинларинг уч талоқ бўлсун! Агар сен келсангу мен сен бирлан кўришмай қайтсам, менинг хотинларим уч талоқ бўлсун”. Боязид Йилдиримининг қайсарлиги, доғулилиги ва кўполлиги – буларнинг ҳаммаси ҳам бир бўлди-ю, мана шу сўнги гапи бир бўлди. Бу гапларга чидаш асло мумкин эмасди. Ҳазрат Соҳибқироннинг жаҳли чиқди. Бир газаби ўн чандон бўлди:

- Бизнинг талоқ қилатурғон хотинимиз йўқдур. Майли, ўзи қилич ялонғочлаб бизни майдонга чорлаган эркан, борамиз! – деди у қатъият билан кенгашга тўпланган амир ва аркони давлатига, минг-минг мўмин-мусулмоннинг қони ва жонининг жаримаси Боязид Йилдиримининг зиммасида бўлгай!”¹

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Б.Аҳмедов мўътабар тарихлардаги “номаъқул, номақбул сўзлар”ни романдаги конфликтни таранглаштириш, Амир Темурнинг Румога юришини кучлироқ асослаш мақсадида шундай бадиий талқин қилган бўлиши мумкин. Ёки шундай маълумотлар бошқа тарихий манбаларда ҳақиқатдан бордир. Биз учун эса энг муҳими шундаки, А.Орипов ўз драмасидаги “хотинларни талоқ қилиш” ҳақидаги Боязиднинг сўзларини ва бу сўзларга нисбатан Соҳибқироннинг жавобини Б.Аҳмедовнинг тарихий романига асосланиб ёзганлиги аниқ. Чунки дарамдаги Боязиднинг сўзлари ва унга Амир Темурнинг жавоби ҳам тарихий романдаги сўзларга ҳамоҳангдир:

Уҳ, Боязид мақсадингни айтибсан, аммо

Шарт эдими хотинларни қиморга тикмоқ².

Қандай манбаларга асосланганидан қатъи назар, Боязид ва Соҳибқирон ўртасидаги бундай конфликт асардаги драматизмни кучайтиришга, айти пайтда, яқин вақтларга қадар қонхўр, босқинчи тамғасини олиб келган Соҳибқироннинг Румо юришига асос бўлган тарихий сабабларни томошабинга етказиш, Амир Темур ҳам урушлар ва қон тўкишларни истамаган одил ҳукмдор эканлиги очиб бериш нуқтаи назаридан жуда ҳам ўринлидир.

¹ Аҳмедов Бўрибой. Амир Темур. Т. “Мерос” нашриёти, 1995. 540-бет.

² А.Орипов. “Соҳибқирон”, Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 45-бет.

Хуллас, А.Орипов Румо юришларига сабаб бўлган асосларни дий талқин этишда Б.Аҳмедовнинг романдаги материалларга нган деб айтган хулосамизда биз бир нарсага суяндик. У ҳам бўлса бир Темур ҳақидаги тарихий асарнинг, маълумотларнинг эълон линиш даврига аҳамият беришдан иборат.

Маълумки, “Соҳибқирон” драмаси 1996 йилнинг бошларида алланди ва шу йил чоп этилди. Шарафуддин Али Йаздийнинг афарнома”си таржимаси ва Низомиддин Шомийнинг афарнома”си таржимаси 1997 йилда эълон қилинди. Демак, Орипов ўз драмасини яратишда бу икки асардан фойдалана олмаган. бир ўз драмаси устида иш олиб борган пайтда эса Соҳибқирон ти ва фаолияти ҳақида нисбатан тугал маълумот берувчи якка-ю на манба эса Б.Аҳмедовнинг “Амир Темур” тарихий романи эди. ки ушбу асар бадийлаштирилган тарихдан иборатдир. глас, А.Орипов ўз драмасида Соҳибқироннинг энг сўнгги зафарли иши ҳақида имкони борича аниқ тарихий материалларга сланган ҳолда иш кўрди.

Амир Темурнинг Румо юриши сабаблари О.Ёқубовнинг этиҳи музаффар ...” драмасида бутунлай ўзгача тарзда бадий сланилган. Бу нарса драматургнинг тарихий манбаларни ёхуд ҳмедовнинг романини билмаслигидан деб ўйламаслик лозим. қубов Темур ва темурийлар ҳақида “Улуғбек хазинаси” романини н пайтларидаёқ катта материал тўплаган ва кўплаб тарихий балар билан танишиб чиққан эди. Шунга қарамай, у ўз драмасида ўнлай ўзгача йўлни, яъни ишимизнинг олдинги бобида лганидай, тарихий драма асосига халқ ривоятини қўйиш йўлини ади. Шунинг учун ҳам у Румо юришининг сабабини Амир Темур нидан Сулувкўзга сўзлаб берган тушининг тафсилоти орқали лашга ҳаракат қилади. Бу нарса ўз навбатида драманинг руҳига, асосида ётган ривоят йўналишига мос тушган:

Соҳибқирон: - Мани қийнамай сўзимни эшит, сулувим!

Бундан олти ой бурун бир туш кўрдим...

Сулувкўз: - Туш?

Соҳибқирон: - Тушимда ғойибдан сас келмиш, Қулоқ сол- . Жаннатмакон пири муршидим Саййид Барака эрмиш. Ул шариф айтадиларки, эй Соҳибқирон! Бирламчи Оллоҳнинг

хоҳиши, иккиламчи сенинг гайрат-шижоатинг ила барпо қилгон қудратли давлатнинг мағриб томонида бети чўтир, кўзи сўқир бир шер пайдо бўлмиш. Ул шер сарҳадинга ҳамла қилиб, қудратли давлатингни ер ила яксон қилмоқ режасини тузиш, деди пирим!”¹

Халқ ривояти қамровига олинган сюжет воқеалари, айниқса, мазкур парчанинг мазмуни қай даражада туш тафсилотидан иборат бўлмасин, унда Амир Темур ва унинг пири муршиди Саййид Барака образлари соф тарихийликни тарғиб қилиб туради. Бундан ташқари, рамзий (фольклорий) қиёфадаги кўзи сўқир, юзи чўтир шер эса темурийлар давлатининг хавфсизлигига таҳдид солиб турган Йилдирим Боязид образи ҳам Румо юришининг тарихий сабабларини бадиий асослашга хизмат қилган.

Хуллас, шу нарса маълум бўладики, Амир Темурнинг Султон Боязидга қарши юриши О.Ёкубовнинг драмасида ўзига хос тарзда бадиий талқин этилган ва бу масалада ҳар икки ижодкор ҳам тўғри йўл тутганлар, деб айтишга тўла асос бор.

Тарихий драмада тарихийлик тамойилининг мавқе ва даражаси ҳақида фикр юритганда, А.Орипов имкон доирасида Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига оид материалларни қамраб олишга, уларни бадиийлик нуқтаи назаридан таҳлил этишга ҳаракат қилган. Бир неча мисолларга мурожаат этамиз.

Маълумки, Йилдирим Боязид Амир Темурга қарши катта куч ташлаган эди. Мана шу куч қаршисида Соҳибқирон бошлиқ айрим лашкарбошилар ва аркони давлатлар бироз ҳайиқадилар. Бироқ Амир Темур уларга далда бериб, мардоналик билан курашга чорлайди. Бу жаҳонгир учун албатта зарур эди. Аммо Амир Темурнинг ўзи ҳам ёлғиз қолиб, Оллоҳга мурожаат этиб, ундан мадад тилайди:

Темур:

... Ҳар қандайн муҳораба олдидан доим
Аллоҳимдан мадад сўраб, ёлбораман мен.
Шайхулислом, зафар тилаб тиловат қилинг...²

¹ “Ёшлик” журнали. 1996. № 2, 4-бет.

² А.Орипов. “Соҳибқирон”, Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 61-бет.

Шахмат тахтаси ва жанг майдонидаги воқеаларни рамзий тасвир орқали боғлаш А.Ориповга хос ижодий маҳорат маҳсули. Реал воқеликдаги ва шахмат тахтасидаги аёвсиз жангни ўзаро боғлашда шоир шахмат доналарини ийҳом санъати орқали икки маънода қўллайди. Масалан, юқорида айтилгандек, руҳ атамаси орқали Оллоҳ таолога, ҳомий руҳлар ва аждодларнинг муқаддас руҳлари мадакдор бўлажигига ишора қилинган бўлса, қочиб қутилишга чора топа олмай мот бўлган “қора шоҳ” эса енгилган, бандиликка тушган Йилдирим Боязид образига ишора эди. Аммо тарихий драма жанри бундай рамзий тасвирнинг узоқ давом эттиришни кўтара олмайди. Шунинг учун Аловиддин мот бўлгандан кейиноқ Қосим исмли ясовул кириб, Боязиднинг енгилганлиги ва банди қилинганлиги ҳақида хабар беради. Мана шу хабар орқали рамзий тасвир драмадаги ҳаётий воқеаларга уланиб кетаверади.

Хуллас, Анкурийа жанги пайтида Соҳибқироннинг ўзини гутиши, руҳий ҳолати ва кечинмалари, у қўллаган ҳарбий тактика ва стратегия ниҳоятда пишиқ ва зўр эканлиги шахмат ўйини воситасида томошабинга тасвирли етказилади. Бу сахна драмада соф тарихий тафсилотларнинг меъёридан кўпайиб кетишидан, бадий руҳни сўндириб қўйишдан сақлаб қолган. Ўз навбатида рамзий тасвир ўқувчи диққатини асар воқеаларига кучлироқ жалб этишга хизмат қилган.

Драмадаги А.Ориповнинг маҳоратини намойиш этувчи эпизодлардан яна бири мағлуб Султон Боязид билан ғолиб Амир Темур ўртасидаги учрашув ва улар ўртасидаги мулоқотнинг ўта кескин ва тарихий аниқликда берилишида кўзга ташланади. Тарихий маълумотларга қараганда, Соҳибқирон Амир Темур банди бўлган Йилдирим Боязидга шоҳона иззат-ҳурмат кўрсатган, унга ўз ёнидан қой берган ва деярли барча истаklarини адо этган. Бу Амир Темур характерига хос жиддийлик ва тангиликнинг драмада ҳаққоний акс этганлигидан далолат беради.

Амир Темурнинг Румога юриши Йилдирим Боязиднинг ўзарлиги, Соҳибқироннинг таклифларига қулоқ осмай мусулмон мамлакатларига таҳдид солишда давом этганлиги, Амир Темурга сиёнат қилиб қочган шахсларни ўз паноҳига олганлиги учун бошланган эди. Бундан ташқари, бу юришга энг муҳим сабаб Боязиднинг Фарб давлатларининг гиж-гижларига ишониши эди. А.Орипов драмада ана шу тарихий сабабларга катта урғу беради:

Темур:

Туркийларнинг икки шоҳин гижгижлаб қўйиб
Уриштириш кимга зарур бўлганин ўйла.
Оврўпонинг найрангига лаққа учдингу
Соҳибқирон Темурингдан юзни ўгирдинг.
Қанча узоқ олишсалар икки паҳлавон
Исроф бўлар улардаги шунчаин куч ҳам
Ва ўртада ғолиб чиқар гижгижлаган зот.

Боязид:

Муродингни айтгил менга
Ўлдирсанг — ўлдир!

Темур:

Билъакс, сени муҳофаза қилурман, Султон,
Турк элининг ноаҳллик тарихига сен
Тирик тимсол сифатида яшаб юргайсен¹.

Мана шундан сўнг Амир Темур ҳузурига фаранг элчиси
Иоан Султоний, Боварлар элчиси Шильтбергер, Урусия элчилари
кириб, бутун Оврүпо давлатларини Султон Боязид ва Олтин Ўрда
ҳужумидан сақлаб қолганлиги учун миннатдорчилик изҳор
қиладилар. Уларга жавобан Соҳибқирон бу юришлар осо-
йишталик, турли ирқ ва диндаги мамлакатларнинг ўзаро тотув
яшашлари, Фарб ва Шарқ ўртасидаги савдо-сотик алоқаларини
ўрнатиш учун қилинганлигини баён этади.

¹ А.Орипов. “Соҳибқирон”, Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
1996, 74-бет.

§ 7. АМИР ТЕМУР ОБРАЗНИНИ ОЧИШДА ТАРИХИЙ РИВОЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

Драмадаги бадиий тасвирни янада кучайтириш мақсадида Орипов асарга тарихий ривоятлардан бирини бироз тарихий затишлар билан киритади.

Маълумки, ривоятлардан бирида айтилишича, Амир Темур шхур форс-тожик шоири Ҳофиз Шерозийнинг машхур:

Агар кўнглумни шод этса ўшал Шероз жонони,

Қора ҳолига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Йтини эшитиб, мен бу икки шаҳарни обод этиш учун дунёни босиб дим, у бўлса уларни шерозлик бир гўзалнинг қора ҳолига ҳады ибди деб ғазабланган эмиш.

А.Орипов ана шу тарихий ривоятни драма руҳига мос ҳолда йта ишлаб, ўз асарига киритади. Бунда ижодкорга хос маҳорат унда кўзга ташланадики, ривоятдаги Ҳофиз ҳадысидан ғазабланган ир Темур драмада шоирлардаги хаёл кучидан, бадиий фантазиядан триқиб кулади:

Темур:

Ширин хаёл бандасисиз,

Эй, сиз шоирлар.

Мен ростини айтсам, агар ёр холи учун

Шаҳар эмас, жонни нисор айламоқ даркор.

Гапнинг асл индаллосин эшитинг энди:

Бизнинг улуғ шаҳарларни баҳолаш учун

Бундан ортиқ ташбеҳ бўлмас, тасанно Сизга,

Энди бир байт ҳады қилсин сизга Темур ҳам:

- Ўз лафзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини,

Қайта бошдан забт этардим Шероз ерини¹.

Ривоятда айтилган Амир Темур билан Ҳофиз Шерозий уч-шуви тарихан бўлмаган ҳодиса. Бироқ А.Орипов уни шу даражада йта ишлаб ўз драмасида истифода этадики, ушбу факт адабиёт ва ольклор муносабатларидаги синтез ҳодисасининг энг ёрқин мунасиридир². Тарихий ривоят ва драмадаги ушбу эпизоднинг синтез дисаси эканлиги қуйидагилар билан тасдиқланади: биринчидан,

1. Орипов. "Соҳибқирон", Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

96, 86-бет.

2. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар топологиясига доир "Ўзбек тили ва адабиёти".

80. № 4, 44-54-бетлар.

реал тарихда юз бермаган воқеа драмада аниқ юз берган воқеа сифатида ишончли тасвирланган. Иккинчидан, ривоят ечими ва гоёвий йўналиши драмада бутунлай ўзгача руҳ ҳамда гоёвий йўналишда қайта ишлаб берилган. Мана шу икки ҳолат тарихий драмага киритилган ривоят сюжетининг табиий уйғунликда драма сюжетига сингиб кетишига имкон берган. Бу сингиш соф бадиий ҳодиса даражасига кўтарилганлиги сабабли томошабин ва ўқувчи аслида шундай тарихий воқеа юз бермаганлигига ишонқирамай қолади. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятдан бутунлай беҳабар шахслар эса ана шу эпизодни соф тарихий воқеа сифатида олиб талқину таҳлил этишга интилишлари ҳам мумкин.

Тарихий драма сюжети таркибида соф тарихий материал билан бадиий тўқима шу даражада синтезлашар экан, бу ижодкорнинг маҳорати юксаклигидан, ўзи танлаган мавзу бўйича улкан материал тўплаганлиги ва улардан ўринли фойдалана олганлигидан далолат беради.

О.Ёқубов эса драмасида ўзгача йўлдан боради. Унинг драмаси фольклор материали асосида яратилганлиги сабабли Соҳибқироннинг Анқурийа ёнидаги Йилдирим Боязид билан қилган жанги тасвири ҳам фольклорона руҳда берилган. Драмада жанг кунлари Амир Темур катта ов уюштиради. Бу ов ҳам рамзий характерга эга бўлиб, Соҳибқироннинг бир ўзи “салкам юз икки каклик отади” ва бу какликларни Султон Боязид дастурхонига тортишни амр қилади. Албатта, Амир Темурнинг Румога сафари ғалаба билан якунлангани, Боязиднинг мағлубиятга учрагани тарихий ҳақиқат. Бу тарихий ҳақиқатнинг ижодкорга маълумлиги жанг онларида Соҳибқиронни ҳар қандай машғулот билан банд ҳолда тасвирлашга монелик қилади. Чунки тарихий манбаларнинг берган маълумотларига қаралса, Амир Темур бу юришга катта тайёргарлик кўрган ва жанг бошланишидан оқ олдин туни билан ёлғиз Олло-таолодан мадад сўраб илтижо қилган. Шундай экан уни айни жанг кунлари ов уюштириши тарихий воқеаларга хилофдир. Мана шунинг ўзи драмадаги зиддиятлар таранглигини биров бўшаштирганга ўхшайди. Мана шу ҳолатни сезган драматург ушбу саҳнани бошқа конфликтлар билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчиси - чопар қиёфасида Сулувкўз ҳақида Самарқандда тарқалган миш-мишларни етказиш учун Сарагулнинг Соҳибқирон қароргоҳига келиши.

Иккинчиси - ов бўлаётган дарада яшириниб ётган душманнинг охибқиронга узган ўқига ўзини тутиб, оғир ярадор бўлган оқсонбекнинг вафот этиши.

Учинчиси — мамлакатнинг турли сарҳадларида тартиб ўрнатилган мақсадида, шунингдек, Машҳад атрофларида Мироншоҳнинг қиликка, айш-ишратга берилиши

и туфайли вужудга келган норозиликларни бартараф этиш учун (оҳрух Мирзо, Амир Барлос, Шайх Нуриддинларнинг олий фармон билан юборилиши.

Тўртинчиси — Амир Темур билан Боязиднинг учрашуви ва ар ўртасидаги мулоқотнинг шиддатли тарзда кечиши.

Энг аввало шунини айтиш лозимки, ҳар қандай саркарда ўзининг ва мамлакатининг тақдири ҳал бўлаётган онларда ов билан шўғул бўла олмайди. Тўғри, Румо юришининг бошланишида, яъни охибқирон Жом вилоятидан қайтиб, Фирот сувидан ўтиб, ов штирган ва бу овда жуда катта сайд қилинган эди. Демак, ов линган вақт билан Султон Боязиднинг мағлуб бўлиши ва қиликка тушиш вақти оралиғида салкам бир йилдан кўпроқ муддат э. Маълум бўладики, О.Ёқубов драмада бу тарихий маълумотни юзга олмаган ва айни жанр пайтлари Амир Темурни ов билан шўғул ҳолатда тасвирлайди. Натижада, саҳна заминида ётган ва л воқелик узвий алоқадор бўлган етакчи конфликт — сохибқирон Боязид ўртасидаги кураш бироз сустлашиб қолади. Бу нарса отиҳи музаффар...” драмаси учун табиий. Чунки асардаги еаларни жунбушга келтирган асосий зиддият Румо юриши бўлса , бироқ у моҳият эътибори билан уларга тарихий руҳ бағишлаш н хизмат қилади. Драматург асардаги етакчи конфликт учун эса қ орасида кенг тарқалган Бибиҳоним ҳақидаги ривоятни танлаган.

Маълумки, Сароймулкхоним (Бибиҳоним) Чигатой улусига суб мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда лган эди. 1355 йилда Амир Ҳусайн уни ўз никоҳига киритади. 0 йилда Амир Ҳусайн қатл этилгач, Амир Темур оймулкхонимни ўз никоҳига олади.

Амир Темур кўпгина юришларида Бибиҳонимни ўзи билан га олиб юрган, хорижлик элчиларни қабул қилишда у ҳамиша ибқироннинг ёнида бўлган. Руи Гонсалес де Клавихонинг хабар шича, 1404 йил 3 сентябрда Амир Темур Самарқанд четисидаги қушо боғида элчиларни қабул қилиш маросимида Бибиҳоним лиқ барча хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб иштирок лар. Шу боис бўлса керак, Бибиҳоним ҳақида жуда кўп нақллар, ятлар яратилган.

Ана шундай ривоятлардан бирида айтилишича, Сароймулкхоним ўз жамғармаси ҳисобига бир мадраса қуриш учун Амир Темурдан рухсат олади. Ижозат берилгач, отаси Қозонхондан совға тарзида олган бир жуфт олмос балдоғини сотиб, унинг пулига мадраса қуришни бошлайди. Қурилиш кетаётган пайтда у тез-тез келиб, устабошиларга кўрсатмалар бериб туради. Мадраса битай деб қолганда устабоши Бибихонимнинг ақл-заковатига, ҳусн-камолига офарин айтади. Бу нарса тез орада миш-мишларга айланиб кетади.

Кунларнинг бирида Сароймулкхоним ўзининг хос канизларидан бирига бир лаганчага етти хил рангга бўялган пиширилган тухумларни солиб, рўмолга туғиб бериб юборади. Каниз устабошига шу тухумларни еб, ҳар бирининг мазасини айириб бериши лозимлигини айтади ва бу вазифа Бибихоним томонидан қўйилганлигини маълум қилади.

Устабоши рўмолни ечиб, етти хил рангдаги тухумни кўриб, малика нимага ишора қилаётганлигини тушуниб этади. Шу кунларда Амир Темур Самарқандга етиб келармиш деган хабар тарқалади. Ўзи ҳақидаги миш-мишлардан кўрққан устабоши икки қанот ясаб, уларни ўзига боғлаб, пастга қараб учади ва боши билан ерга қадалиб вафот этади.

Ушбу ривоят биров ўзгартирилиб, муболағалаштирилиб халқ ўртасида бир нечта вариантларда кенг тарқалади. Улардан бирида бош меъмор Бибихонимнинг ҳуснига, ақл-заковатига бош эгиб, унга ошиқи беқарор бўлганлигини изҳор этади. Бундан ғазабланган Сароймулкхоним уни ўлимга ҳукм этмоқчи бўлади. Бироқ бош меъмор қатл этилса, масжиди жомеъ қурилиши тўхтаб ва узоқ, хатарли юришдан музаффар қайтаётган Соҳибқиронга атаб қурилаётган жомеъ масжиди битмай қолиши мумкин эди. Соҳибқиронга катта бир совға қилиш иштиёқи билан тўлиб-тошган Бибихоним бош меъморга юзидаги ҳижоб устидан бир бўса беришга кўнади. Меъмор ўпган жой эса қорайиб қолади. Бу воқеа саройда катта миш-мишларга айланиб кетади. Натижада, меъмор битиб қолган жомеъ масжидининг пештоқидан ўзини пастга отиб ҳалок бўлади.

Драма асосидаги фольклор материали бевосита мана шу ривоятдан иборат. Аслида Соҳибқироннинг сеvimли, оқила рафиқаси Сулувқўз образининг прототипи Сароймулкхоним (Бибихоним)

бўлиб, Амир Темур Анкурийа жангидаги ғалабаси пайтида ов қилиб юрган чоғида Сулукўзнинг хос канизи Сарагул чопар қиёфасида Соҳибқирон ҳузурига боради. Бу билан у икки вазифани адо этади: бири - Соҳибқиронга миш-мишларни етказиш орқали Сулукўзнинг бегуноҳлигини маълум қилиш, иккинчиси - Амир Темурнинг саройбони, ўз севгилиси Қалқонбек билан дийдорлашиш.

Сарагулнинг хабарини эшитган Соҳибқирон Шайх Нуриддинни Самарқандга юборади ва бу воқеани тафтиш қилишни буюради. Шу билан бирга у охирги ҳукми ўзи қилажагини Шайхга тайинлаб юборади.

Ўз қилган айбига иқрор бўлган Сулукўз эса Амир Темур Самарқандга қайтган пайтда ўзини кўшқдан ташлаб ҳалок бўлади. Сулукўзнинг бундай фожеали ўлими драмада ўзини тўла оқлайди. Чунки, биринчидан, Сулукўз билан меъмор ўртасидаги воқеа ҳақида саройда ҳар хил миш-мишлар тарқалиб кетган эди. Буларнинг бошида эса Биби Сардор турар эди. Демак, Сулукўз ўзини Амир Темур қошида ҳеч қандай йўл билан оқлай олмас эди. Шу боис у ўлимни маъкул кўрди. Иккинчидан, Амир Темур унинг гуноҳидан ўтган тақдирда ҳам Сулукўз юзидаги доғни нима билан оқлай олар эди. Бу тамға эса ўзи билан Амир Темур ўртасида фақат қон билан овиладиган гуноҳ эди.

Демак, О.Ёқубов драмасидаги етакчи конфликт Сулукўз воқеаси билан боғлиқ бўлиб, Амир Темурнинг Анкурийага, ундан кейин Хитойга сафари фақат тарихий шуъла ташлаб туриши учун измат қилган холос. Шу боис драматург кўпгина тарихий фактларга та аниқлик билан ёндошмайди. Масалан, Амир Темур ва Йилдирим Боязид ҳақидаги барча тарихий манбаларда мағлуб бўлган Султонни анди ҳолида Соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Шунда султон уягини хўрламас деганларидек, Амир Темур дарҳол унинг қўл ёқларини бўшаттириб, ҳурмат-эътибор билан қабул қилади. О.Ёқубов драмасида эса султон Боязид Соҳибқиронга изҳори ихлос илиш ниятида ўзи Соҳибқирон қароргоҳига ташриф қилади. Бу эбарни эшитган Шоҳруҳ Мирзо Боязидни Амир Темур овдан қайтиб элгунга қадар бир қора уйга йўллайди.

Султон Боязид ва Амир Темур ўртасидаги тарихий уч-шувга нисбатан драмадаги тасвир мос келмайди. Бироқ бундай омутаносиблик драмада ўзини оқлаган. Чунки бу учра-шувдаги оҳибқирон билан Боязид ўртасида бўлиб ўтган мулоқот воситасида мир Темурнинг бутун ҳаёти давомида олиб борган курашлари, қилган қонларнинг сабаблари очиб берилади; кўп вақтлар қонхўр,

талончи деб тамға босилган Соҳибқироннинг номи оқланади. Маълум бўладики, аниқ фольклорий талқинга эга бўлган асарда тарихий материални истаганча эркинликда қўллашнинг имкони кўп экан ва бунда ҳар қандай талқин, ҳар қандай тасвир тарихий драма талабларига мос келаверар экан.

О.Ёқубов бир нечта тарихий романлар ёзиб, қаламини жуда яхши чархлаб олган. Шу боис у драмада етакчи конфликтни ташкил этувчи фольклорона руҳдаги воқеаларга тарихий маълумотларни усталик билан боғлайди, уйғунлаштира олади.

Икки мўтабар тарихий манбадан маълум бўладики, тўй-тантаналар, хорижий элчиларни қабул қилиш Соҳибқироннинг Конигулдаги боғида бўлиб ўтади. А.Орипов бу тантаналарнинг бир қисмини Регистон майдонига кўчириб, Соҳибқироннинг набираларига оқ фотиҳа беришини ва мамлакатдаги адолатли бошқарувга хилоф иш қилганларни (ортиқча солиқ солишда айбдор бўлган Самарқанд доруғаси, инсофсиз қассобларни, масжид қуриш баҳонасида кўп пулларни ўзлаштирган вазир Маҳмуд Довудни) шу майдонда элнинг кўзи олдида жазога буюради. Бу билан драматург Амир Темурнинг ҳукмдор сифатидаги энг буюк фазилати – адолатли амир эканлигини намойиш этади. А.Ориповнинг ушбу саҳнада намойиш этган маҳоратининг намунасида яна бири шуки, гарчи тантаналар макони Регистонга кўчирилса ҳам, бироқ тарихий воқеалар моҳиятини беришда тарихий манбалар доирасидан чиқиб кетмайди. У Бибиҳонимга Конигулга бориб тўйга ҳозирлик кўришни буюради. Бу билан драматург асосий тўй-тантаналар Регистонда эмас, балки Конигулда бўлиб ўтганлигига ҳам ишора қилади.

§ 8. АМИР ТЕМУРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

“Соҳибқирон” драмасида зафар билан қайтаётган Амир турни тантана билан кутиб олиш баҳонасида халққа оғир солиқ иб, эл-юрт осойишталигига раҳна солишга интилувчи, бузғунчи ой амалдорларининг жазоланиши намойиш этилади.

Драмадан маълум бўладики, бундай давлат арбоблари ҳамма г мамлакатни ичидан нуратиш, халқ ўртасида норозиликларни айтиришга олиб келганлар. Шу боис Амир Темури ўз фаолиятида дай амалдорларга нисбатан қаттиққўллик билан муносабатда ган. Асардаги қуйидаги сатрлар фикримизнинг далили бўла олади:

Қария:

- Аълоҳазрат, фармонингиз гоят ўринли,
Шу тахлитда ҳиммат қилган пайгамбарлар ҳам.
Бордир лекин фармонгача банди бўлмаган
Озод юрган турли-туман жинойтчилар.

Темури:

- Улар кимлар?
Айтинг менга, Самарқанд аҳли,
Ер юзини олибмизу адолат учун,
Наинки, ўз юртимизда бепарво бўлсак.

Қария:

- Эл-юрт тўйди доруғанинг қилмишларидан.

Халойиқ:

- Тўйдик! Тўйдик!

Темури:

- Қилмиши не?

Қария:

- У порахўрдир!
У жарима ундиради бўлар-бўлмасга,
Текин бўлса, мушуги ҳам офтобга чиқмас,
Фақатгина фикр қолди солиқдан холи.

Темури:

- Фуқародан уч нафари гувоҳлик берсин.

Халойиқ:

- Олампаноҳ, биз барчамиз гувоҳмиз, гувоҳ!

Темури:

- Самарқанднинг доруғаси дорга тортилсин!¹

рипов. “Соҳибқирон”, Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат иёти, 1996, 101-102-бетлар.

Юқорида келтирилган парчадан шу нарса маълум бўладики, Амир Темур ўз қўли остидаги амалдорларга ўта адолатли ва қаттиққўл бўлган. Давлат, ҳокимият манфаатларига зид бўлган, ҳокимият обрўсига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг олдини олишга интилган ва унинг сабабчиларига нисбатан адолатли жазо берган.

Амир Темурнинг адолат билан давлатни бошқаруви, халққа жабр-зулм қилувчи мансабдор шахсларга шафқатсизлиги ҳақидаги драмадаги кўриниш шоир томонидан ўйлаб топилган шунчаки бадиий тўқима эмас. Драмада тасвирланган воқеалар Соҳибқирон фаолиятида кўплаб учрайди. Масалан, унинг Румо сафаридан қайтишида Чечакту элининг доруғаси Абақ Телбани халқнинг шикоят билан Амир Темур оёғидан осдиради. Бу ҳақда Шарафуддин Али Йаздий куйидагича ёзади: “Соҳибқирон андин отланиб, Мурғоб суйига келиб тушти ва Чечакту эли, Абақ телбаким, асарнинг доруғаси эрди, келиб шикоят қилдилар. Ўшал замон ҳукм бўлди: аёғларини тешиб, ип ўткариб, боши тубон остилар”¹.

А.Орипов драмада Хожа Маҳмуд Довудни жумаъ масжидини қуриш баҳонасида кўп пулларни ўзлаштириб, масжидни кичик ва кўримсиз қурдиргани учун Самарқанддан қувғин қилди деб ёзади. Аслида Амир Темур сафарда юрган пайтида Самарқандда девондорлик қилган Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалдларни, шунингдек, бир қанча айбдорларни ўлимга ҳукм қилади. Бу ҳақда “Зафарнома” таржимасида қуйидагича ёзилган: “Соҳибқирони гитисимон раёйо ва хосе ва олим аҳволиға машғул бўлуб, фақиру мискинларға кўп садақалар бериб сийлади. Масжиди жумъаким, ҳазрат ўзи солиб эрди, бориб тафарруж қилиб кўрдиким, эшикини кичик солибтурлар. Буюрдиким, “Бузуб, улуғроқ қилсунлар!” Ва Хожа Маҳмуд Довудни туттурдиким, йахши мулоҳиза қилмағандур. Ва Сарой Мулк хоним солғон мадрасаким, масжиди жомеъ анинг муқобиласида турур, анда тушуб, девонлар ва амалдорларни туттурди. Ва сўрагондин сўнг ҳар кимдинким йамон ҳаракате воқий бўлуб эрди, ани йахши иззалар қилдилар. Ва ул жумладин Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад жалдким, нависандаларнинг улуғлари эрдилар ва бу чоққачаким, ҳазрат йурушда эрди, алар Самарқандда девонлиқ қилур эрдилар, иккаласини тўй кунидаким, Конибилда қилди, ул кун остирди”².

¹ Шарафуддин Али Йаздий. “Зафарнома”, Т. Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 288-бет.

² Шарафуддин Али Йаздий. “Зафарнома”, Т. Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 289-бет.

Юқоридаги иқтибослардан шу нарса равшанлашадики, А.Орипов драмада Амир Темурнинг адолат йўлида ниҳоятда аътиятли ҳамда қаттиққўллик фазилати ҳақида ҳеч қандай бадиий ўқимага мурожаат этмаган. Айбдор амалдорнинг, инсофсиз асосларнинг Соҳибқирон томонидан жазоланиши, оддий халққа аховатлар қилганлиги тарихий фактнинг ўзи бўлиб, ижодкор Амир Темурга хос ижобий хислатларни намойиш этиш мақсадида ундан ринли ва меъёрида фойдаланган.

§ 9. АМИР ТЕМУРНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Яқин вақтларгача Амир Темуր ҳақида ижобий маънода асар ёзиб бўлмаганидек, унинг ўлими, бу воқеанинг тафсилотлари ҳақида ҳам бирорта асар йўқ эди. А.Орипов ва О.Ёқубовнинг драмалари Соҳибқирон вафоти, унинг барча тафсилотларини бадиий акс эттирган асарлардан бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

Албатта, тарихий манбаларда Амир Темуր ҳаётининг сўнги кунлари нисбатан батафсилроқ ёритилган. Жумладан, Шарафуддин Али Йаздий “Зафарнома”сида бу ҳақда шундай ёзади: “Беш ой ҳануз ўтмайдур эрдиким, Хитой-ю Чин кофирлари сори азм қилди. Ва Ўтрорға бордиким, андин Самарқандгача етмиш олти йағоч йўл турур. Анда етконда шаъбон ойининг ўнинда, Чаҳоршанба куни (11.02.1405), лу ойида ҳазратнинг мижози ўзга бўлиб, иситти. Ва ҳазрат Соҳибқирон барча гуноҳидин тавба қилди. Аммо замон-замон марази ортар эди... Аммо кундин кунгача мараз кўбрак бўлур эрди ва ҳар замон ҳар иллоти зоҳир бўлур эрдиким, бир-бирига мувофиқ эрмас эрди. Ва неча мухталиф маразлар воқия бўлдиким, агар биринчи дафъ қилса эрди, йана бири кўбрак бўлур эрди. Аммо Соҳибқироннинг ақлу ҳушида нуқсон йўқ эрди. Андоқ маразда черикнинг аҳволидан хабардор эрди. Аммо билдиким, бу иллатларға илож йўқ турур, қазога ризо бериб, хотунлари била хосса улуг бекларини чорлаб, васият қилмоққа машғул бўлуб дедиким...”¹

Амир Темурунинг Ўтрорға келиб қўниши ва хасталаниши ушбу муборак манбада ҳаққоний қайд этилганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Бундан ташқари, ушбу манбада Соҳибқироннинг ўз яқинларига васияти, давлатни адолат ва оқиллик билан бошқариш, ўз ўрнига валиаҳд қилиб Пирмуҳаммад Жаҳонгирни тайинлаганлиги, шу пайтда Тошкентда бўлган Халил Султон ва бошқа бекларни чақиртириб келишни айтади. Тарихчи Соҳибқироннинг ўз фарзандларига айтган васиятларини имкони борича тўлароқ келтиришга ҳаракат қилган. Амир Темурунинг ўз яқинларига давлатни бошқариш ҳақидаги қуйидаги сўзлари фикримизни тўла тасдиқлайди: “Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айттим, қулоғингиза тутунглар ва раъйо ва фуқа-

¹ Шарафуддин Али Йаздий. “Зафарнома”, Т. Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 296-бет.

мискин ҳолатидин гофил бўлмағайсиз. Ва қиличнинг сопини ҳам тутунгуз, то мендек подшоҳликдин бархурдор бўлғайсиз. Эну Туронни муҳолифлардан халос қилғайсизлар. Нечунким мен у эҳсон била оламини обод қилибмен. Агар менинг васиятим била ил қилиб, адлу-дод қилсангиз, кўб йиллар давлат ва мамлакатларда қолғуси турур. Ва агар сизлар аросида муҳолифат бўлса, ши бўлмағисидир”¹.

Мана шундан кейин Соҳибқироннинг бевосита вафот этиши ён этилади: “Кеча бўлғонда, нозмшом ва хуфтон аросида тавҳид тимасини неча қатла айтиб, жонони топшурди... Бу воқеа қоршанба куни, шаъбон ойининг ўн еттисида, торих саккиз юз ида (18.02.1405) воқеъ бўлди. Ва ул Ҳазратнинг муборақ ёши миш бирда эрди, мувофиқ адади “алиф+лом+мим”ким, ршоннинг аъзам сураларидин турур. Ва подшоҳлиғи ўтгуз олти эрди. Ҳазратнинг салтанатинг адади билан мувофиқ эрдиким, ул ҳазрат тонлари ва набиралари ўтгуз олти эрди”².

Маълум бўладики, Соҳибқирон қаттиқ бетоблиғи сабабли ақлу ши жойида, яқин кишилари ва бекларига васият қилган ҳолда фот этади.

Бу тарихий воқеа Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сида л ўзгачароқ баён этилган: “Сакиз юз еттинчи йил қутли ражаб ининг ўн иккинчисида (1405 йил 15 январ) (Ҳазрат Соҳибқирон) грор шаҳрига келиб тушди. Кузатиб қўйиш учун мулозимликда йлган бир гуруҳ оқолар, фарзандлар ва арқони давлатнинг шдиллик, хурсандлик ва бахту саодат ила қайтиб кетишларига хсат бермоқчи бўлиб, (шу муносабат билан) шароб ичмоққа рағбат лди. Бир неча кеча-кундуз базм соқийлари қўлидан тўла қадах ва ом олиб, гўзал паривашлар юзидек гулгун бода ва райҳондек ушбўй) шароб ичмоқ ила ғанимат тонги бошини мурод ёқасидан ақарди, айш-ишрат куёши хуррамлик машриқидан чиқди... Шу орада Ҳазрат Соҳибқирон) ароқ келтирмоқни буюрди, муҳайё қилдилар: қўнринишда сувдек, лекин аслида оловдек бир гавҳар эди... Аллоҳнинг) қули бўлмиш Ҳазрат Соҳибқирон яна икки кеча-кундуз шбу арақдан ичиш билан машғул бўлди ва бирорта овқатдан оғзига лмади. Кейинги кун муборақ мижозидида бир оз ўзгариш сизди... нинг буйруғи билан қўнгилхушлик ва (мусулмончиликда)

Шарафуддин Али Йаздий. “Зафарнома”, Т. Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 997, 297-бет.

Ўша манба, 297-бет.

таъқиқланган барча асбоб-анжомларни синдирдилар(Ўзи эса) чин дилдан онг ичиб тавба қилди... Тақдирда бор қазо мактуби... якунланди ва саккиз юз еттинчи йил шаъбон ойининг ўртасида (1405 йил 18 феврал) Ўтрор мавзасида (Ҳазрат Соҳибқирон руҳи) яхшилар мақомидан ўрин олди”¹.

Амир Темур ҳаётининг сўнгги кунлари тарихий манбаларда ҳам ҳар хил баён этилган. Лекин уларнинг барчасида бу буюк зотнинг вафоти санаси бир жойда - Ўтрорда, вақти эса 1405 йил 18 февралда, яъни Соҳибқироннинг Хитойга сафари бошланишида деб бир хилда маълумот берилади. Ўлимнинг сабаби эса биринчи манбада - табиий пайдо бўлган хасталик деб кўрсатилса, иккинчисида икки кечакундуз ароқ ичиш ва овқат емаслик оқибатида мижозидида юз берган кескин ўзгариш деб айтилади.

Амир Темурнинг сўнгги кунлари ва вафот этиш онлари ҳақида А.Орипов ҳам, О.Ёқубов ҳам томошабинга аниқ саҳна намойиш этиш кафолатини олмаганлар. Чунки драма - бадиий ижод маҳсули экан, унда муайян тарихий шахснинг вафот этишини намойиш қилиш ва барча тафсилотлар тарихий манбаларга мос келиши шарт эмас. Тарихий драма учун Амир Темурдек улкан тарихий шахс сиймоси танланиб келган эмас, демак, асарнинг энг драматик чўққисини ва ечими ҳам охириги саҳнада Соҳибқирон ҳаётининг мазмунини ифодаловчи барча тафсилотларни, у амалга оширган улкан вазифаларни, ўзи ҳам амал қилган ақидаларни томошабинга етказишлари зарур. Аниқроқ қилиб айтганда, иккала драма учун бу саҳна бутун асар моҳиятини мужассам этиб бера оладиган нуқта бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам драматурглар бу саҳнада ижодий хаёл кучига эрк беришлари, соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ривоят хикоятларга ўрни келганда тарихий маълумотларга ҳам қанот бағишлаб барча имкониятни шу улуг сиймо ҳақидаги хулосанинг ҳам ҳаётӣй, ҳам фалсафӣй, ҳам мантиқӣй жиҳатдан тугал яқинлашувига хизмат қилдиришлари шарт. Бу масалада А.Орипов ҳам, О.Ёқубов ҳам гарчи улар икки хил йўналишда ижод қилган бўлсалар ҳам тўла муваффақиятга эришганлар деб айтиш мумкин.

¹ Низомиддин Шомӣй. Зафарнома, Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1996, 397-401-бетлар.

О.Ёқубов “Фотиҳи музаффар ...”да асар финалини, яъни кинчи парда тўртинчи кўринишни, тўғридан-тўғри Амир Темурнинг Ўттордаги қароргоҳида унинг ўлим олдидаги иситма аралаш аҳсирашлари тасвиридан бошлайди. Табиийки, бундай ҳолларда инсон ўзининг энг яқин кишилари билан, рақиблари билан руҳан злашади. Драматург инсон умрининг сўнгги дамлари учун хос бундай ҳий ҳолатга асосланган ҳолда Соҳибқиронни гоҳ Сулувкўз билан, гоҳ Чингизхон билан, гоҳ Тўхтамиш ва Боязид билан юзлаштиради. иситма билан Амир Темурнинг уларга қарата айтилган барча сўзлари ҳали унинг бутун умри мобайнида мамлакат тинчлиги, ободлиги ҳлида қилган барча ишлари ва курашларининг тарихий, сиёсий бабларини очиб беради. Унинг Сулувкўзга қарата айтган сўзларида а Амир Темурнинг гўзал ва оқила аёл Сароймулкхонимга бўлган имий муҳаббати ифодаланган. Бироқ Сулувкўз образи ярим воявий, ярим тарихий заминга асосланган бадий тимсол бўлганлиги учун ўзига хос фожеали қисмат билан яқунланган. Мана у ечим эса асарнинг охириги кўринишида ўзига хос бадий вазифа о этади. Бу образ Амир Темурдек улкан ҳукмдорнинг қалбини забт ган, ўз ақлу заковати билан уни мафтун этган фозила аёл бўлганлигидан томошабинни огоҳ этади. Демак, Амир Темур нафақат кан ҳукмдор, нафақат буюк саркарда, нафақат беназир сиёсатдон, лки у чин инсоний қалб ва муҳаббатга эга азиз инсон ҳам бўлган.

Амир Темурнинг иситма аралаш алаҳсирашидаги Чингизхон билан қилган бир баҳси киши диққатини ўзига тортади:

“Соҳибқирон: - Юртимни оёқ ости қилғон, кўркам шаҳар-римни вайронага айлантирғон баттол, бамисоли ўлакса ҳидини эзган кузғунга ўхшаб тагин на матлабда юрибсан, менинг ҳудудимда?

Чингизхон (хиринглаб кулади): Хи-хи-хи... Мен баттол ртингни топтаб, обод шаҳарларингни култепага айлантурғон аллод, Темур Кўрагоний эрса... фаришта!

Соҳибқирон: “Йўқ, мен ҳам фаришта эрмасмен. Бенуқсон ёлғиз арвардигор. Магар мард бўлсанг, қадамим етган жойларни, забт ган шаҳарларни бориб кўр. Бир гишт кўчса, ўн гишт кўйдум. Оллоҳ оло шоҳид: Хироту Машҳад, Дамашку Боғдодда бунёд этган роилар, масжиду мадрасалар ула шаҳарларнинг кўркига кўрк кўшиб рибдур!”

Чингизхон: - Ёдингдан чиқмасун, Соҳибқирон. Мен саҳрода туғилган авом бир саҳроимен. Мен учун бир боғ янтоқ, бир ҳовуч явшан сен айтгон ўшал кўркам шаҳарлардан афзалдур.

Соҳибқирон: - Маконинг саҳро эркан, гўзал бўстонлар қадрини билмас эркансан, нечун гулдай элимни отларинг туёқлари остида топтадинг? Нечун Ўтрору Самарқанд, Бухорога Урганчай муаззам шаҳарларимга ўт кўйиб, шақаллар маконига айлантирдинг? Э, яратган эгам! Нечун ожиз бандангни бу саҳрои қашқир бостириб келганида бунёд этмадинг?"¹

Мазкур парча орқали драматург Чингизхон босқинлари, унинг кўпгина халқлар, жумладан, Ўрта Осиёдаги цивилизацияга етказган ваҳшиёна талофатлари, Амир Темурнинг эса Ўрта Осиё халқларининг мўғуллар истибдодидан озод қилинганлигини томошабинга етказди. Аслида эса Чингизтон билан Амир Темур турли даврларда яшаганлар. Улар замондош эмаслар. Шу боис драмада Амир Темур "Нега мени бу саҳрои қашқир бостириб келганида бунёд этмадинг" деб Оллоҳга мурожаат қилганида, нега ўша даврда бу обод сарҳадларни ҳимоя қила оладиган доно ва тадбиркор ҳукмдор топилмади деб афсусланади. Шунга қарамай то Амир Темур Моворауннаҳр ва Хуросон тахтига эришмагунча бу заминлар Чингизийлар ҳукмронлиги остида бўлди. Фақат Соҳибқиронгина бу заминни мўғуллар тобелигидан озод этди. Мана шу ҳақиқатни айтгани учун академик И.Мўминов қанчадан-қанча таънаю дашномлар остида қолди. Аслида эса олим ўз фикрларини ишонарли тарихий манбалар асосида асослаб берган эди².

Ушбу мулоқотдан кўзланган мақсад Шўролар даврида коммунистик мафкура томонидан Амир Темур шахсига нисбатан таънаю тухмат тошларига жавоб беришдан иборат. Бунда О.Ёқубов икки жаҳонгир ҳукмдорни таққослаш орқали улардан қай бири босқинчи ва қонхўр, қай бири эса тинчлик, осойишталик ва мамлакатни обод қилиш учун курашганлигини намойиш этишга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, Чингизхондан вайрона, оҳ-воҳ ва култепалар қолган бўлса, Амир Темур ноаҳил элларни келиштириш, диний низоларга барҳам бериш мақсадида жангу жадал олиб борди. Мана шу тарихий ҳақиқат юқоридаги қисқагина баҳсли мулоқотда ўз ифодасини топган.

¹ "Ёшлик" журнали, 1996, № 2, 12-бет.

² Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида (2-нашри). Т., "Фан". 1993.

§ 10. АМИР ТЕМУР АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ СИФАТИДА

Маълумки, Амир Темур Ўрта ва Яқин Осиё халқлари тарихидагина эмас, балки Оврўпо халқлари тарихида ҳам улкан из қолдирган йирик давлат арбоби, буюк лашкарбоши бўлган. Унга нисбатан қўлланилган “қонхўр”, босқинчи” каби сифатловчилар Ўрта срлар феодал тузумининг ўта шафқатсиз ва даҳшатли қонуниятларини ҳисобга олмаган ҳолда истифода этилган. Амир Темур тарих аҳнасида пайдо бўлган тарихий вазият ҳаддан ортиқ даражада ураккаб эди. Биринчидан, Мовароуннаҳр халқи мўғуллар истибоди остида эди. Иккинчидан, маҳаллий амиру бекларнинг тож-тахт тун олиб борган курашлари, улар томонидан солинган оғир солиқлар, босқин ва таловлар халқ аҳволини ҳаддан ортиқ эзиб юборган эди. Учунчидан, Олтин Ўрда ва Султон Боязид икки томондан уросон ва Мовароуннаҳрга хавф солиб турарди. Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тахтига чиқиши ана шу хавфни бирин-кетин барқараф этди. Унинг сиёсий дастурига кўра, ушбу минтақадаги оғир қтисодий ва маданий тушкунликдан Мовароуннаҳр ва Хуросонни ақатгина марказлашган давлатгина қутқариши мумкин эди. Охибқирон мана шу дастурни амалга ошириш учун XIV асрнинг 1-йилларида Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишга қарши кураш олиб борди. Бу ҳақда таниқли тарихчи А.Ю.Якубовский қуйидагиларни айтиди: “1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва саройнинг йир-мор қилиниши эса Олтин Ўрдага берилган охириги зарба бўлди. Шундан кийин Амир Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди”¹.

Мана шу ғалаба Амир Темур ва Мовароуннаҳрни Олтин Ўрда элбандидан қутқариб қолган бўлса, Боязид устидан қозонган ғалаба билан у ўз мамлакатининг жанубий ва ғарбий сарҳадлари мустақиллигини таъминлади.

Сохибқироннинг марказлашган давлатни барпо этиш ғояси ўз вақти учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки бундай давлат феодал низолар авж олган бир шароитда мамлакатдаги ўзаро иш-ишбаротларга чек қўйиши, юрт ободонлиги, фан-маданият раққиётига имкон бериши ва халқнинг фаровонлигини таъмин

¹История народов Узбекистана. Т. Фан, 1950. 356-стр.

лашга олиб борувчи ягона йўл эди. Бундай улуғ мақсад эса “Сен ўлдирмасанг, мен ўлдираман, сен босмасанг, мен босиб оламан” тамойили ҳукмрон бўлган бир шароитда Амир Темурни Мовароуннаҳрдан ташқари Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Кавказорти, Миср, Туркия каби мамлакатларга ҳарбий юриш қилишга мажбур этди. Шу боис олимлар Амир Темур фаолиятидаги қуйидаги икки даврни алоҳида қайд этадилар.

Биринчи давр 1360-1388 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Темур Мовароуннаҳрда мўғул ҳукмронлигидан холи бўлган мустақил марказлашган давлат тузиш учун курашлар олиб борди.

Иккинчи давр 1386-1404 йилга қадар давом этди. Бу даврда Амир Темур уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик ҳарбий юришлар қилиб, Эрон, Ҳиндистон, Гуржистон, Арманистон, Озарбайжон, Миср, Туркия каби мамлакатларни забт этди¹.

Йирик марказлашган давлатни барпо қилган Соҳибқирон уни бошқаришнинг ўзак тамойилларини ҳам белгилаб берди. Бу тамойил эса ҳукмдорларнинг ҳар бир масалада адолат мезонларига тўла-тўқисриоя қилишларидан иборат эди. Бу ҳақда у ўз тузукларида қуйидагиларни ёзади: “Барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар².

Ёки унинг солиқ солишдаги адолатли талаби шундай баён қилинган: “Солиқ йиғишдап халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг қувватсизлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади”³.

¹ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида. (2-нашр). Т. “Фан” нашриёти, 1993, 15-бет.

² Уложение Темура. М. Наука, 1968, 167-стр.

³ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида. (2-нашр). Т. “Фан” нашриёти, 1993, 76-бет.

О.Ёқубов драманинг тўртинчи кўринишида Соҳибқироннинг ўз яқинларига, салтанат аъёнларига қилган васиятларида мана шу масалаларга кучли эътибор қаратади:

“Соҳибқирон: - Биз қирқ йил бирга от сурдик. Олло берган туз насибани бирга баҳам кўриб, машриқдан Мағрибга чўзилган ҳудудсиз давлат қурдик. Аммо ёдларингда бўлмай. Давлат ҳар қанча қудратли бўлмасун, унинг томирига болта урадурғон уч хатар бор: бирламчи ўзаро ноаҳиллик, иккиламчи жаҳолат, учинчиси тарафкашлик. Шулу уч хатардан эҳтиёт бўлсангизлар, фақир тиклаган бу давлат тоғдай абадул-абад турадур!..”¹.

Давлатнинг қудрати ва салоҳияти ижтимоий адолатни маҳкам тутишдан иборат. Уни нуратадиган тарафкашлик - маҳаллийчилик, ноаҳиллик - мансаб талашиш, миллий ва диний низолар ва ноҳақлик каби хатарлар барча давлатлар учун ҳамиша сақланиб турадики, бу ҳақда Президент И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида батафсил тўхталиб ўтган.²

Драмада Амир Темур ўзига валиаҳд қилиб Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пирмуҳаммадни тайинлайди. Бу тарихий манбалардаги маълумотларга мос келади. Бироқ драматург саҳнада драматик гарангликни сақлаб туриш мақсадида жон таслим қилаётган Соҳибқирон ёнида набираси Халил Султонни ҳам иштирокчи сифатида тасвирлайди. У тахт вориси Пирмуҳаммад эканлигини эшитач талвасага, жазавага тушади, аммо Шайх Нуриддин уни босиб уради. Тарихий манбалар берган маълумотларга кўра, Амир Темур афот этган пайтларда Халил Султон унинг ёнида эмас, балки Пошда эди. Шу боис у валиаҳдликка Пирмуҳаммад тайинланганини билиши биланоқ ўзбошимчалик билан Самарқанд тахтини галлаб олади. Мана шу нарсанинг ўзиёқ, Амир Темурнинг васияти афотидан кейиноқ бузилганлиги, ягона давлат ичида ота-ўғил, маки-жианлар ўртасида тож-тахт талашишлар бошланиши ёмурийлар салтанатини инқирозга олиб келди.

Демак, О.Ёқубов ушбу салтанатнинг кейинги инқирозидан ёмошабинни огоҳ қилиш мақсадида тарихий маълумотлардан

“Ёшлик” журнали, 1996, № 2. 4-13-бет.

Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон нашриёти, 1997

бироз чекиниб, Шошдаги Халил Султонни вафот этаётган Соҳибқирон ҳузурида тож-тахт учун умид кўзини тикиб турган ва бу йўлда бобосининг табаррук васиятини ҳам бузишга тайёр турган набира сифатида кўрсатишга эриша олган. Мана шу чекиниш туфайли драматург темурийларнинг улугвор салтанати охир-оқибат парчаланишга юз тутажагига ишора қилади. Маълум бўладики, тарихий драмада аниқ маълумотлардан ташқари бўлиб ўтаётган воқеалардан кейин юз берадиган воқеалар мантиқига асосланиб, айрим тарихий шахсларнинг иштирокига эрк бериши, бадийий хаёлга эрк бериши ҳам мумкин экан. Бунда тарихийлик тарихий воқеалар ривожини ва йўналишидаги мантиққа зид келмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам Халил Султоннинг Амир Темур вафоти онларида у билан бирга бўлиши бадийийлик мантиқига халал бермаган.

§ 11. АМИР ТЕМУР ВА АҲМАД ЯССАВИЙ МУЛОҚОТИ

А. Орипов ҳам “Соҳибқирон” драмасининг сўнгги саҳнасини га хос рамзий бир кўриниш билан билан бошлайди. Чинга юришлаган Амир Темури ўз қароргоҳини Аҳмад Яссавий мақбарасининг даги тепаликка қурдиради. Ўзи бутун тунни Хожа Аҳмад Яссавийнинг қабри ёнида ўтказди, тонгга қадар ундан мадад сўраб ижо қилади. Тонг пайтида Амир Темурининг кўзи илиниб, тушида Яссавийни кўради. Яссавий Амир Темурининг бу сафарига унчалик хушлик бермайди. Эрталаб мақбарадан чиқаётган Соҳибқиронга мадад Яссавий дарвеш қиёфасида рўбарў келади.

Дарвеш ундан сафар манзили ва мақсадини сўраб билиб олади бундай совуқда қўшин тортиш зарур эмаслигини айтади. Амир Темури дарвеш билан қўл бериб хайрлашаётганда унинг бош бармоғи қисилигини билиб, у оддий дарвеш эмас, балки ҳазрати Хизр нлигини сезиб қолади ва унинг қўлини қўйвормай Аҳмад Яссавий ган кўриштиришни талаб этади. Халқ ўртасидаги ривоятларга кўра, ир Темури йигитлик чоғларида Хизрга дуч келган эмиш. Бу билан қ Соҳибқироннинг барча ютуқ ва омадларини ана шу учрашувдаги рати Хизрнинг қўллашидан деб талқин қилади. Демак, бу учрашув ир Темурининг Хизр билан иккинчи бор учрашуви бўлиб, бунда и у Соҳибқироннинг сўровини адо этади ва Аҳмад Яссавий ифасига киради.

Ўрта Осиёдаги энг мўътабар авлиё Аҳмад Яссавий билан Амир Темури ўртасидаги мулоқотдан кўзлаган мақсад бу улуғ саркарданинг оқ йил умрини жангу-жадалларда ўтказганлиги, қанчадан-қанча сон қонининг тўкканлигининг сабабларини бадиий талқин шдан иборат. Ўртадаги савол-жавобдан шу нарса маълум бўлдики, мадад Яссавий инсонлар қалбини поклаш, нафсини тийишга сўз и билан даъват этган бўлса, Амир Темури адолат ва иймон учун ич воситасида курашди. Бу ўринда А. Орипов комил инсон, юрт идлиги, адолат каби масалаларни икки буюк шахс тилидан кенг исафий қамровда талқин қилишга эриша олган:

Темури:

Тенгсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим,

Балки қанча умрларга зомин бўлганман.

Охиратда этагимдан тутмасми улар?

Яссавий:

Аллоҳнинг хоҳишига мувофиқ келса,
Икки дунё савоб эрур ҳар қандайин иш.
Айт-чи, Темур, сен бесабаб қон тўкканмишсан?

Темур:

Адолат ва дини ислом ҳимояси деб
Ер юзини фатҳ айладим, тартиб ўрнатдим.¹

Агар драманинг сўнгги саҳнасига бадиий хаёл қудрати билан бу кўриниш киритилмаса, Аҳмад Яссавий ва Соҳибқирон ўртасидаги ушбу мулоқот берилмаса, ҳозирги авлоднинг Амир Темурга берадиган баҳосини ижодкор бошқа восита орқали бу қадар таъсирчан ва ишонарли ифодамай олмас эди. Демак, тарихий драма ҳам ижодкорларнинг маҳорати ва бадиий хаёл кучи билан боғлиқ ҳолда турли-туман бадиий тўқимани қўллашга имкон берар экан.

А.Ориповнинг бундай бадиий тўқимани қўллашининг чуқур тарихий рамзий асослари мавжуд. Чунки у Аҳмад Яссавийни ўзига пир тутиб, қабри устига мақбара қурдирган ва унинг руҳига сиғинган. Бу тарихий ҳақиқат эса драмада улар ўртасида рамзий мулоқот қилишга имкон берган. Бундан ташқари, Яссавийнинг ҳам, Соҳибқироннинг ҳам бир-бирларига берган саволларида, олган жавобларида инсоният олдида қадим-қадимдан жумбоқ бўлиб келган абадий муаммолар ҳақида мулоҳазалар билдирилади. Бу муаммолар ечимига бир улуғ зот шахсий ибрат орқали бир буюк даҳо яхши сўз орқали, яна бошқа бир улуғ инсон эса куч билан эришишга интилганлар. Бу нарса драмадаги Яссавий ва Амир Темур ўртасидаги мулоқотда тўлароқ ифодаланган:

Яссавий:

Улуғ, эзгу ниятларнинг рўёби учун
Жангу жадал, қон тўкишлик шартмикин, Амир?
Энг аввало, ҳар банда нафсини тийсин,
Бу дунёнинг неъматлари алдамчи, рўё,
Охиратни ўйлаганлар комил бўлгайлар...

Темур:

Магар инсон ўз нафсини тия олмаса,
Уни мажбур қилмоқ лозим, чорадир бу ҳам.

¹ А.Орипов. "Соҳибқирон". Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 125-бет.

Яссавий:

Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.
Сендан кейин билганини қилар одамзод.
Инсонларнинг шуурига муттасил, тинсиз.
Қаноат ва инсон ҳиссин сингдирмоқ керак.
Ураберсанг гаюр тортар ҳаттоки ит ҳам.

Темур:

Мен дунёда худди итдек талашиб ётган
Баднафс, юҳо кимсаларнинг оғзини ёпдим,
Ўзингизчи, ер тагига тириклай кириб,
Не каромат кўрсатдингиз? Нима ўзгарди?

Яссавий:

Юзим ёруғ бордим тангри остонасига,
Мўминларга сабрим билан ибрат бўлолдим.
Ҳикматларим ўлмай яшар, инсофга чорлаб...

Темур:

Ҳазрат.
Сизнинг ҳикматларни дилимга жойлаб,
Куч билан мен гап уқтирдим инсониятга.
Мана, ҳозир Чин томонга лашкар тортганман,
Агар уни маҳв этмасам, мени маҳв этгай.

Яссавий:

Эвоҳ, яна нафс дунёда тантана қилмиш.
Нафсининг кучи ғолиб келмиш икки ёқда ҳам.
Шул сабабдан, тушингда мен намоён бўлдим
Рўйхуш бермай, безовтаю тунд қиёфада.
Во ажабо, иккимиз ҳам битта элданмиз,
Тилимиз бир, динимиз бир, иймонимиз бир,
Бир хил юмуш юкланмишдир иккимизга ҳам.¹

Яссавий тилидан айтилган бу сўзларда тарихда шахснинг ўрни ва юли катта аҳамиятга эгаллиги ифодаланган, айниқса пешонасига югун бир мамлакат, неча-неча халқларнинг қисмати ёзилган тарихий пахсларнинг фаолиятини енгил елпи баҳолаб уларни бутунлай юсқинчига чиқариб қўйиш нотўғри эканлиги ўринли баён тилган. Агар диққат қилинса, бу сўзлар Аҳмад Яссавийнинг мас, балки ҳар бир инсон қалбида жўшиб турган тарихий баҳо (фодаси эканлигини сезиб олиш қийин эмас. Худди мана шу

А.Орипов. "Соҳибқирон". Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 996, 126-128- бетлар.

нарсани бўрттириш, таъкидлаш учун шоир мулоқотни яна давом эттиради:

Темур:

Сиз ер ости, мен устида лашкар тузибмиз.

Яссавий:

Сен тиф билан, мен сўз билан бошқардик уни,

Бироқ сенинг йўригингни ёқлай олмайман.

Воз кеч, Темур, бу хатарли Чин сафаридан,

Ёш бир жойга бориб қолгач, узлат афзалдир,

У дунёнинг сафарига тадорик лозим...¹

Аҳмад Яссавий томонидан қилинган даъват Соҳибқирон яшаган даврда амалга ошиши мумкинмиди? Йўқ, унинг башарият олдига қўйган талаби ҳозир ҳам амалга ошмаган, чунки бу тилак комил инсон ҳақидаги идеалдан иборат. Шунга қарамай, тасаввуфдаги энг йирик тариқатнинг асосчиси Аҳмад Яссавий, барибир Соҳибқироннинг қонли жангга қилган сафарини оқлай олмас эди. Амир Темур эса улкан ҳукмдор, доно ва зукко инсон, тенгсиз саркарда сифатида ўз ниятидан кеча олмасди. Агар тарихий манбаларда Амир Темурга берилган тавсифларга назар ташласак, ҳаттоки уни ёқтирмаган тарихчилар ҳам унга хос яхши хислатларни тўғри эътироф этишга мажбур бўлганликларини кўришимиз мумкин. Масалан, Аҳмад бин Муҳаммад ибни Арабшоҳ у ҳақда қуйидагича ёзади: "... Ҳалими писанд қилмасди, қарийб саксонга кириб ўлаётган чоғида ҳам ақл-заковатини ҳам, довиюраклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлгон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига сиғмасди. Ўзининг олдида талон-тарожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди; у ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарнинг дўсти гоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта оларди".²

¹ А.Орипов. "Соҳибқирон". Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 128-бет.

² Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Темур (У.Уватов таржимаси). Т. "Меҳнат" нашриёти, 1992. 328-бет.

Мазкур манбада Амир Темурга бериладиган тавсиф ва баҳо-
рга қараладиган бўлса, Соҳибқирон ожизларга ёрдам қўлини
ўзидиган, дўстга садоқатли, душманини ҳам ҳурмат қиладиган,
ўстларига меҳрибон, уддабурон инсон бўлганлиги маълум бўлади.
Амир Темур характериға хос бундай хислатларға асосланган
драматург унинг Яссавий билан қилган мулоқотларида изчил
таърифи ёрқин кўрсатишға ҳаракат қилган:

Темур:

Мен умримда гайридинлар баробарида
Қонин тўқдим балки қанча мусулмоннинг ҳам.
Буни талаб этар эди ахир адолат.
Энди эса, тўқилган у қутлуғ қонларни
Мажусийлар қони билан ювмоқчиман мен.
Мен уларнинг зуғумини бир ёқли қилмай-
Бу дунёдан кетолмасмен, қатъий аҳдим шу!

Яссавий:

Қайтгин Амир!
Ҳар неки иш тақдирдан бўлғай.
Сени қисмат кутаётир, ўзингни урма.

Темур:

Қуллуқ, Ҳазрат!
Менга зафар тиланг, яхшиси,
Гадолик ҳам зарур, шоҳлик ҳам қисмат!!

Ушбу мулоқот драма якуниға ўзига хос жонлилик, фалсафий
ва фикрий теранлик бағишлаши баробарида томошабинда Амир
Темур шахсиятиға, фаолияти ва қатъиятиға нисбатан ҳурмат
фуларини ҳам қўзғатади. Чунки ҳақиқий тарихда бундай учрашув
маган, лекин драматургнинг ижодий хаёли маҳсули бўлмиш бу
тоқот тарихий шахс образи, тарихий воқеалар оқими ва
талишиға мос келиши билан айни ҳаётий учрашувдек таассурот
идиради. Демак, тарихий драма табиати тарихийлик
принциплариға мос келувчи ҳар қандай бадиий тўқимани ҳазм қила
ди. Бошқача айтганда, тарихийлик принциплариға мос келувчи
қандай бадиий тўқима тарихий драма сюжетиға ўзига хос шуқуҳ,
та хос тароват бағишлайди ва ижодкорни тарихий
лумотларнинг шафқатсиз натижасидан, темир чангалидан
ийлик дунёсига омон олиб ўтишға хизмат қилади.

Ҷрипов. "Соҳибқирон". Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат
иёти, 1996, 128-129 бетлар.

Драмада аввал дарвеш, кейин Хизр, ундан кейин Яссавий қиё-фасидаги руҳлар билан Амир Темур мулоқотининг киритилиши унинг ўз тақдири, умри давомида олиб борган жангу жадаллари орқали қурган салтанатининг тақдири ҳақида ҳам фикрлашга, умрининг энг сўнгги онларида бу улкан давлатни бошқара оладиган валиаҳд ҳақида ўйлашга мажбур этади. Бевосита мана шу мулоқот томошабин онгида Амир Темурдек буюк зотлар ҳам ўлим олдида оддий инсонлардек чорасиз эканликлари ҳақидаги тасаввурларни жунбушга келтиради. Шу боис, у азиз –авлиёлар билан бўлган хаёлий мулоқотдан кейиноқ Амир Темур фикридан кечган мулоҳазаларни икки монолог тарзида ифодалашга ўрин беради:

Магар ажал келганда ҳам, Самарқандимда
Болаларим қуршовида жон берсам дердим.
Мендан кейин салтанатнинг холи не кечар!
Наҳот яна бошланади парокандалик?¹

Мана шундай оғир ўйлар гирдобида Соҳибқирон ўз чодирига кириб боради. Бироқ чодирда ҳам уни оғир бир вазият кутиб турар эди. Барча амиру саркардалар совуқнинг ҳаддан ортиқча эканлиги ҳақида арз қиладилар.

Амир Темур характериға хос қатъият ва шижоаткорлик, айна пайтда ўжарлик ва бирсўзлиликка асосланиб драматург халқ орасида кенг тарқалган бир тарихий ривоятни асар сюжетиға киритади.

Ушбу ривоятға кўра Амир Темур қаттиқ совуқдан қийналаётган ўз лашкарларига далда бериш учун баланд бир жойда соч олдиради. Мана шунда у қаттиқ шамоллаган ва оламдан кўз юмган. Бу ривоят Соҳибқирон вафотининг сабабларини изоҳлаш мақсадида яратилган бўлса керак. Шунинг учун А.Орипов драмаға уни жуда нозиклик билан киритади. Чунки, биринчидан, ҳақиқатан ҳам 1405 йилнинг феврали, тарихий маълумотларға қараганда ҳаддан ортиқ совуқ келган. Бундай совуқда яланг жойда соч олдирган ҳар қандай одамнинг шамоллаши табиий. Иккинчидан, мазкур ривоят тарихий маълумотларға кўра худди шу юришда, худди шу фаслда, шу тарихий худудда Амир Темурнинг вафот этиши учун ўзига хос бадиий далиллик вазифасини ўтаган. Бироқ драматургнинг маҳорати шундаки, у драма бошланишидаги рамзий тасвирни асар сўнггида яна такрорлайди. Бунга сабаб саргарош тилидан Амир Темур шахсияти, унинг тарихий хизматлари ҳақида берилган турли-туман салбий баҳоларға барҳам

¹ А.Орипов. “Соҳибқирон”. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 130-бет.

иш, унинг кўпгина халқлар тарихий қисматида ўйнаган ролини обий баҳолашдан иборат. Драмадаги қўйидаги мисралар кримизнинг далили бўла олади:

Темур:

... Тошдан бўлган бу каллага назар ташла-чи,
Битта-ярим тола борми эрмагинг учун?

Сартарош:

Олампаноҳ, навқиронсиз, сочингиз ҳамон
Ўспириннинг сочи каби қоп-қора, қуюқ.

Темур:

Қуллуқ сенга, кўнгул учун айтган гапингга,
Ушбу бошдан ўсиб чиққан қора савдони
Ёлғиз ўзинг даф этгансан қиртишлаб, юлиб
Сени кўрсам, гоҳо-гоҳо ўйлаб дейманки,
Сартарошга ўхшаб кетар шоҳлар ҳам асли,
Улар фақат қиртишлайди думалоқ ерни...

Сартарош:

Аъло Ҳазрат, Сиз ортиқча мўйларин қириб
Гўзал ҳусн бахш этдингиз ер деган бошга.¹

Мазкур рамзий диалогдан сўнг Соҳибқирон мижозидида рўй берган ўзгаришни сезади. Ўз ҳузурига Бибихоним ва набиралари Мирзо Улуғбек ҳамда Мирзо Пирмуҳаммадни чақиртиради. Бибихоним ва саркардаларидан розилик тилаб Мирзо Улуғбекни кўриш-фан билан шугулланишига, Пирмуҳаммадни эса давлатни боқаришга васият қилади. Гарчи бу кўриниш тарихий маълумотларга келиш келмаса ҳам, бироқ у орқали ижодкор Амир Темурнинг улугворлик қарда, узоқни кўра оладиган давлат бошлиғи, оиласи ва набираларига меҳрибон падар каби хислатларини алоҳида кўрсатишни назарда тутади ва бизнинг назаримизда бунга эришади. Аслида эса Амир Темур вафот этган пайтида Бибихоним кўриш-фан қарқандда бўлган, Мирзо Улуғбек ва Пирмуҳаммадлар ҳам унинг кўриш-фан да бўлмаган. Бу нарса драматург тарихий фактларга хилоф иш қилмаганми, деган саволни юзага қалқитиб чиқаради.

Бизнингча, ушбу кўриниш тарихий фактларга хилоф бўлса ҳам, бироқ тарихий давр талабларига мос келаверади.

¹Трипов. “Соҳибқирон”. Т. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 131-132 бетлар.

ХУЛОСА

А.Орипов ҳамда О.Ёқубовларнинг драмаларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар икки ижодкор ҳам Амир Темур ҳаётининг энг драматик, энг нишаб даврларини драма жанрининг талаблари доирасида акс эттиришга тўла эришганлар. Натижада, А.Орипов драмасида Амир Темур йирик марказлашган давлат бошлиғи, ўткир ҳарбий стратегия ва тактика назариётчиси, дин ва миллат раҳнамоси, моҳир дипломат, ғамхўр оила бошлиғи, талабчан ва қаттиққўл ота, меҳрибон бобо, инсоф ва адолат ҳомийси қиёфасида намоён бўлади. О.Ёқубов драмасида эса у оташин, садоқатли ошиқ, йирик давлат арбоби, истеъдодли лашкарбоши каби хислатлар соҳиби сифатида тасвирланган.

Хулоса қилиб айтганда, иккала драма ҳам истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образининг бадий инкишофи нуқтаи назаридан алоҳида бир босқич бўлди дейишга тўла асос беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ. 1998. 31-бет.
- Ислом Каримов. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т. Ўзбекистон. 1996.
- Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997.
- Абдусаматов Ҳ. Тарих ва бадий талқин. Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. 183-бет.
- Аҳмедов Б. Амир Темури (Тарихий роман). Т. “Мерос” нашриёти, 1995.
- Аҳмедов Б. Амир Темурнинг тарихдаги ўрни. - “Миллий ниш”. 1996 йил 20 август.
- Аҳмедов Б. Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматлари ҳақида. - “Меҳригиё”. 1995 йил 25 март.
- Аҳмедов Н. Амир Темур. Ривоят ва ҳақиқат. Т. Қомуслар Бош аҳририяси, 1996. 94-бет.
- Альзак О. Собрание сочинений в 24 томах. т.23. М. Правда, 1960. 5 с.
- Ағиров А. Бадий идеал ва тарихий ҳақиқат. (1-мақола). Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1997 й. 2-сон. 27-32-бет.
- Ағиров А. Бадийлик ва тарихий ҳақиқат. ЎзФА А.Навоий адидаги Адабиёт институти. Адабиёт назарияси бўлимининг айтиви. Т. 1995 йил.
- Абулқасим Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири. “Ёшлик”. 1996 й №2. 4-13-бетлар.
- Абдуллоҳиддинов С. Темур давлатининг маъмурий тузилмаси. “Халқ иши”. 1996 йил 9 май.
- Абдулла Арабшоҳ. Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Темур. (У.Уватов таржимаси). Т. “Меҳнат”, 1992.
- Абдулқадир Султон. Тарих ва замонавийлик. “Гулистон”, 1981. №1.
- Абдуллоҳов Ф. Амир Темур абадияти. Т. 1994. 38-бет.
- Абдуллоҳов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (иккинчи нашри). - Т.: 1993. - 56-бет.
- Абдуллоҳов А. Соҳибқирон. Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 139-бет.

Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1980. №4. 44-54-бет.

Сатторов М., Каттабеков А. Олис юлдузлар жилоси. Т. 1984.

Темур тузуқлари. Т. Адабиёт ва санъат, 1996 йил. 346-бет.

Уложение Темура. Т. Наука. 1968.

Қодирий Абдулла. Рўмонлар. Ўткан кунлар. Т. Шарқ, 1995.

Қўшжонов М. Драматургиямиздаги янги саҳифа. -ЎАС. 1996 йил 31 май.

Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т. Шарқ нашриёт - матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997 йил.

Шомий Низомиддин. Зафарнома. Т. Ўзбекистон, 1996. 527-бет.

СИРИШ.....	3
1. Замонамиз ва Амир Темур.....	5
2. Истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образи.....	16
3. Абдулла Орипов назмида Соҳибқирон образи.....	19
4. Тарихий ва таъсирчан тўқима образлар.....	26
5. Амир Темур ва тарихийлик масалалари.....	32
6. Амир Темур ҳақидаги истиқлол даври ўзбек драмаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин.....	36
7. Амир Темур образини очишда тарихий ривоят- арнинг аҳамияти.....	58
8. Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари.....	64
9. Амир Темурнинг сўнги кунлари.....	67
10. Амир Темур - давлат арбоби сифатида.....	72
11. Амир Темур ва Аҳмад Яссавий мулоқоти.....	76
улоса.....	83
ойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

ДУРДОНА РАСУЛМУҲАМЕДОВА

Соҳибқирон Амир Темур -
истиқлол даври ўзбек адабиётида

Муҳаррир З.Ахмеджанова

Босишга рухсат этилди 12.12.2001 й.
Адади 500 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбек Ксерокс” қўшма корхонасида босилди.

БЕЛГИ УЧУН

1. Амударьядаги 1000 йиллик	1
2. Иккинчи дунё уруши ва Афғонистондаги 1000 йиллик	10
3. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
4. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
5. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
6. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
7. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
8. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
9. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
10. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
11. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
12. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
13. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
14. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
15. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
16. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
17. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
18. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
19. Афғонистондаги 1000 йиллик	10
20. Афғонистондаги 1000 йиллик	10

ДАВЛАТ РАСАДНАХОНАДА

Соҳибқирон Амир Темур -

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ҲАҚИДА

Аввалдаш 3-дунё уруши

Босниёдаги Ҳасан Ҳасанович

Аввалдаш 500 йиллик. Босниёдаги Ҳасан Ҳасанович

“Ҳасан Ҳасанович” кўшима кўшиқларига бағиш

